

Хайратин күзмари



Түрсун Али

Сокин
хайқирик

ТЕГИРМОН

Болалигим ўсан қишлоқнинг
бир чеккасида,
катта ариқ устида

тегирмон бўлар эди.

Ўшал пастаккина тегирмон ичида
баҳайбат тош гир-тир айланиши,
буғдой янчиб

одамларга ун улашиши
хайратта соларди

Болалигимни.

Бу кун ўша бола жажжи

юрагида
улкан тегирмон тоши

айланар чир-чир,
буғдойдай янчилган хотирасидан
сўзлар ёғилади

ундек шовуллаб.

Хамон

ҳайрат дунёсидаги Болакай
одамларга сўз улашар
ўшал тегирмондай

бедор

шивирлаб...

Турсун Али

*Сокин
җайқирик*

Шеърлар, таржималар

2001—2004

ТОШКЕНТ
“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
2005

84(55)6-3

С ўнгсўз муаллифи: **Муҳайё Йўлдошев**

Муковада **Ортиқали Қозоқов**
асаридан фойдаланилган

1030982
291.

Таниқли шоир Турсун Али юрагида икки улкан дард бор: бири —
Болалик соринчи, иккигиси — минг йиллардан бери чўғи сўнмаган ва
сўнмайдиган Мужаббат. Шоир табиатта ҳам, нарса ва ҳодисаларга
ҳам, ҳатто ўз ботинотига ҳам кўшалоқ тўйғу ҳарир пардасидан бοқа-
ди. Ҳаммада соддалик ва самимийликни кўриш истаги, ҳар бир қалба-
га ўртаниш ва ишқ тилаги ҳам шундан. Ҳаммаси учун ўзига хос шеъ-
рий шакллар ахтаради. Ҳуллас, шоирнинг янги китоби ҳукмингизга
хавола!

© “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳтирияти, 2005

2005
930

Alisher Navciy
nomidagi
O'zbekiston Mif

10

Хайратын күзлағы

МУШТИПАР ОНАМ

Болалигим ўлкасида кезиб,
онамни кўрдим,
калалак умридай қиска умрин сўнг кунларида.
“Бунчалар озғинсиз, бунчалар толғинсиз?
Кўзларингиз чўккан. Ўқтин-ўқтин йўталасиз”,
дейман шивирлаб.
Онам ҳорғин тикилар юзларимга,
тикилар кўзларимга,
бўйларимга карайди.
Карайди уст-бошимга.
Марварид томчилар
тизилар киприкларида.
Нимадир демоқчи бўлади.
Айтотмайди.
Сўзлар бўғзида.
Сўзлар кўзларида.
... Букун билсан:
“Болам, тўёлмадим дийдорингта,
тўёлмадим сўзларингга,
тўёлмадим бўй-бастингга”,
деган армонини
айтолмаган экан муштипар онам.

Онамни тушундим жуда кеч.

Турсун Али

*Сокиң
жайқырык*

ШҮРЛИК ЭНАМ

Болалигим

кадим күчасида

яшарди энам*,

соchlари оппoқ ipакдeк.

Мен ҳар гал ёнига борсам

“Келдингми?” дея

нам тортарди күzlари.

Кекса тут шохига ўxшаган қўллари-ла
силаrdи бошимни.

Секингина тутқазарди

қўlimга олмами,

туршакми,

нимадир ийманиб...

Хўрсиниб

кўzларимга жовдиарди.

О, узоқ тикиларди юзларимга.

Бунақанги жавдиашларин,

тикилишларин

тушунмабман

ўша кезларда.

Волидам

кўzларин менда кўpar

экан-да энам.

Шўрлик энам, а...

* Буви маъносида.

Хайрати и күзлари

СЕВГИ

Кишлоғимнинг овлоқ жойида
“Жинниқиз” мозори бўларди.
Қанчалар кўрқарди Болалигим мозордан:
“Унда олабўжи бор, унда ажиналар бор!”
Бир кун, билсам, дафн этилмиш унда ойдай қиз.
Тенгқурин севган экан ўшал қиз юрак-юракдан.
Бироқ унаштирилибди бошқа йигитга.
Тўйдан олдин эс-хушидан айрилибди у.
Сочларин ёйиб,
тўзғитиб,
яланг оёқ,
юпун,
дайди шамолдай изғиркан кечалар оғушида,
суюклигин номин сўйлаб
тун қаърига жовдиаркан хуркак оҳудай...
Бир кечаси дўланага соchlарин илондай чирмаб
пешанасин ура-ура жон берибди дарахтга.
Қиз кўйилибди ўша дарахт пойига:
Шундай пайдо бўлган экан “Жинниқиз”.
Ўша кўрқоқ бола ҳайкирар букун:
Бунча бешафқатсан, Севги,
Бунчалар содиксан, Севги...

Турсун Али

Сокин
жайқирик

АРГИМЧОҚ

Болалигим кечган ҳовлида
булутдек-булутдек
 ўрик дарахтлари
ўсади қүёшга очиб қулоchlарин кенг.
Болалигим учар эди
ўшал ўриклар шохига
 арғимчоқ солиб.
Орзулари хам учарди аргимчоқда!
Ўшанда шоир бўламан машхур,
пойтахтда яшайман,
дер эди
 кичкира-кичкира
 Болалигим.
Ўша бола
орзулари оғушида
 яшаётир шахарда.
Энди унинг юрагида
ўшал олис қишлоқ,
кишлодан-да олис
 Болалик,
арғимчоқ учайтири
 қанотлари кесилган қушдай
талпина-талпина...

Ҳайрати и күзлафи

ЎРИК

Асадулла Мадазимбоев хотирасига

Шаҳар ўртасида ўрик дарахти
ўсар эди солланиб.
Умримнинг оппоқ кунлари,
намхуш тунлари
ўрик остида кечган.
Дарахтнинг олтиндай мевалари,
оҳ, қандай мазали,
қандай тотли,
офзимда қантдай эриган.
Ёзниг ўтли кунларида
мени қуёш тиғларидан асраган.
Рухим осмонларига сепган
кумуш ёғдулар.
Кўллари-ла
эпкинлар бахш этган бағримга.
Кушлари ила
чўнг елкаларида кувнаган ёшлигим.
Кай бир қушчасин суйиб ёшлигим ўртанган жим.
Илк бор ўспирин умрим ишқ хиёбонин
кезган маъюс, сармаст.
... Йиллар тўзғин шамоли юлиб кетган
бу кун ўшал ўрик дарахтин.
Ўсаётир у
кўзларим,
хотирот кенгликларида дуркун.
Ўсаётир юрагим боғларида шивирлаб.

Турсун Али

Сокин
жайқирик

ХАЙРАТ

Ортиқали Қозоқовға

Суратларга тикиламан.
Үйғонар түйфуларим.
Хайрат бағишилаган ранглар мени имлар,
етаклар ўтмишнинг қонкусган күчаларига.
Юлдузлар отилган қоронғу кечаларига.
Эски ҳовлига кираман маъюс
ҳасратим ёмғирларида ивиб.
Суратларга тикиламан.
Ранглар мени етаклар,
булутлар онаси тоғлар сари,
юлдузлар шахрига бораман,
бош кўяман
адашган ой кўксига.
Аzon товушидан уйғониб кетаман.
Қайғы юракка чўқади оғир.
Фалокат кичкириғи
бостириб кирап қулокқа.
Титраб-қакшар
қонли, зардобли бағир,
теваракка қарайман маъюс.
Оҳ, кўзимга оқиб кирап ҳасрат.
Юракда туғилар муҳаббат.
Севиб қоламан
чанковуз чалаётган қизни.
Сўнгра эзгулик сари
олиб кетар йўл.
Олдимда кўлдай жимиirlар оппок ранглар.

Хайратил күзлағы

құшиқ

Халқ ҳофизи Шерали Жұраевга

Кеча...
Ухлар қушлар.
Шамолдан дарап йўқ.
Мудрок сукунат.
Шоирлар ором түшакларида.
Яңгар құшиқ,
Яңгар құшиқ.
Бутун борлиқ келар ларзага,
Келар ларзага.
Қайда яңгар у?
Яңгар у!
Билмадим...
Ой ноласимикан?!

Юлдузлар хайқириги,
денигизлар долғаси,
тоғлар садоси
ё булбул фиғони.
Үйғонар охулар,
үйғонар қушлар,
үйғонар осмон,
түлғонар замин,
үйғонар миллат,
Ватан уйғонар...

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

БЕДОРЛИК

1

Пешонам ёнидан
Тун оқмоқда күпиреб,
Сокин шовуридан уйғонаман чүчиб.

2

Зангори құл,
Шу қадар пок,
Шу қадар тиник,
Шүнғигим келар қаърига!

3

Йиғлагим келди,
Бирок йиғолмадым
Йиғлаёттан булутлар олдида.

4

Тили чайналган шамолнинг.
Құшлар чирқирайди бетиним.
Қаёкларга кетдинг.

Ұтаётған күндар



Турсун Али

*Сокин
җайқирик*

КИСМАТ

Умрим гүшасида
не кунлар күрдим,
борлигимни тиғлаб чақнади чақмоқ.
Қандайин шамоллар
мени сурмади,
аммо яшайвердим күзларим уйғоқ.

Қай кун
хаётимда күэ очди баҳор,
кунларим ёришди, кор кетди эриб.
Тунларимдан ранглар
чекинди ночор,
қоп-қора тонгларим отди оқариб.

Зангори боғларим күйнида секин,
теграмда қушчалар,
кеzаман хүшхол.
Вақт араваси елдай ошиқар бетин,
манзил ҳам узоқмас,
етарман алҳол.

Олдимда
оқмоқда дарё чулғаниб,
бир кун мен күйнига чўкаман, локин
үшанда ҳам,
Юртим, бағрингда тўлиб,
дарёга айланиб оқаман сокин.

Үтәётгән

күнләр

үтиңч

1

Кутурғандан кутурадар шамол,
учириб кетар хас-чүпларни,
инда ёлғиз полапон.
Шамол эса увлар беомон
Үзинг түзим бергил, Оллохим!

2

Манзил олис,
йүл ютар отни,
гулдирайди момақалдирок,
изғир калхатдай қора булутлар,
Үзинг мадад бергил, ё Раббим!

3

Офтоб чараклар, йүл ёргүр,
марра сари борар йүловчи,
ким айттар
йүл бекатар деб,
Унга паноҳ бергил, Илохол

4

Көлөнгә илинди бегуноҳ оху,
жон талвасасида талпинади у,
шахло күзи мүлтирап,
ҳеч ким қутқармас, ёху,
Парвардигор, омонлик бер унга ҳам!

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

5

Соҳилдан тошиб турибди дарё,
бешикдай тебранар кўпприклар,
гар беланчакдай учса сув
не бўлар дунё?
Фалокатдан ўзинг асрагин, Худо!

6

Тоғ кўксидан бир тошни
ағдариб юборди бўрон,
ўкириб юборар дафъатан,
сўнг... мунрайиб қолар тоғ,
Оллоҳим, сабр бер, чидам бер!

* * *

Қайларга қочаяпсан,
менинг ихтиёrimдан чекинган,
эй, яланроҷ хаёл?!

* * *

Бунчалар маъсумсан, Шабнам,
ичай десам, шабнам эмассан.
Тутай десам кўл етмас хаёлсан, Шабнам.

Ўтаётган

кунлар

ХОТИРОТ

Иброҳим Раҳим

Эрта кўклам.
Мозорингизга
тўкмадим кўз ёшлар.
Пойингизга, устоз,
экиб кўйдим анор ниҳолин,
анорзорда ором олинг дея.

Аъзам Ўқтам

Хилолдай чараклаган дўппи,
бир кечада ўйиб бўлди, ох!
Энди ҳеч ким уни тополмас,
қандайдир бошлардан безиб
кора ер каърига кириб кетди у.

Расулжон

Богинг дарахтлари гулламай ҳали,
жуда барвакт кетдинг оламдан, дўстим.
Умринг баҳорларин ўлдириб, не тонг,
коронғу диёрга кириб кетдинг жим.
Оҳ, у ерда кимларни кўрдинг, биродар?

Турсун Али

*Сокиң
жайқирик*

МУҲАММАД ЮСУФ

Кўшиқ учар эди кўкда беармон,
Учарди янгратиб осмон, уфкни...

Абдулла Орипов

Осмон-фалакларни чулғарди қўшиқ,
ою юлдузларга тегарди кўкси.
Қонли юрагини куйдиради ишқ,
гоҳида янгарди дилхун ҳам ўксик.
Кушлар билан учар эди басма-бас,
оҳ, қўксига тегди ажалнинг тоши.
Офтоб ҳам қорайиб кетди бехосдан,
юрагимда чил-чил синди бардошим.

* * *

Чертилади ногоҳ дил деразаси,
энтикиб қарайман:
кўринмас ҳеч ким.
Кулогимга кирар аллаким саси,
Қарайман,
ҳеч кимса йўқ, теварак-да жим.

Чертилади ногоҳ дил деразаси,
дунё кўзларимга бўлар омонат.
Вужудим
куйдириб киради фирок,
кайдасан,
Қалбимдан қочган Ҳаловат?

Үтәётган

күн мағ

ЧИНОР

Күзим ёнар мисли мангу аланга.

Асқад Мухтор

Дўрмон.

Чол бўпқолган чинор

Улкан панжаларин чўзган фалакка.

Юз тушиб саратон тиғига,

Қиши қиличига очиб бағир,

Йиллар шамолига эгилмай,

Синмай

Новдалари барқ урар мангулик сари...

Дўрмон.

Чинор пойида Асқад Мухтор.

Тикилади ўсаётган тоғдай дарахтга.

Кўзи қолган шоирнинг чинорда,

Сўзи қолган шоирнинг чинорда.

Ўзи қолган шоирнинг чинорда...

Дўрмон.

Чинор шовуллар,

Замину фалакни тутар шовури.

Турсун Али

*Сокин
ҳайқирик*

* * *

Борлиққа қанотин ёзар тун қуши,
коп-қора шарпаси рухимга күчар.
Ёруғ гўзалликнинг айрилиб хуши,
кочиб нигохимдан қайгадир учар.

Паришон бўламан, дилгир, телбадай,
яқин атрофимда кўринмас ҳеч ким.
Сукут уммонига чўкаётгандай
бехудуд осмонга тикиламан жим.

Кўзимга киради юлдузлар нури,
кўнглимга инади ёруғ ҳаяжон.
Умидлар уйғотар кундуз шуури,
рухимда бир дарё тўлғонар, ионон.

Бахор чегаклари

Бахор чегаклари



Турсун Али

Сакин
жайқырик

ГУЛЛАЁТТАН КУНЛАР

Рұхсиз өмірларымнинг қай бир кунида
юрагимга кирдінг баҳордай кулиб.
Пинқон түйгуларим түшди жунбушға,
баҳорим сен сари қолди интилиб.

Олдимда түлиқиб гуллар күнларим,
барғ ёзар сомондай сарик боғларим.
Фараҳбахш бўлар қора тунларим,
ёришиб кетгуси кўнгил чироғим.

Ҳаприқиб уради кўксимда юрак,
бунча ўртанасан энтикиб, эй жон?
Гўзал туйгуларга тор келар кўкрак,
вужудимни босар асов ҳаяжон.

* * *

Дунё кўзларимда гуллай бошлади,
юлдузлар бошимда куйлади кўшиқ.
Кундан-кун кўкдаги ой тўлишади,
инжиқ юрагимда туғилгандир ишқ.

Ёмғирли күнларим чекинди, мана,
бағримда кезинар зангор туйгулар.
Теграмда эсади эпкинлар, ана,
ҳаё оғушидан чорлар охулар.

Мен сени чорлайман энтикиб, ёниб,
ҳеч ким ахир мендек севолмас, кумрим.
Келақол, бағримга олай қувониб,
энди узун бўлар андиёр умрим.

Бахор чечен-ирафи

* * *

Момақаймок, күклам әлчиси,
уйғонасан энтикиб шодон.
Майсалэрнинг кўрки, сараси
Гуллагайсан сап-сариқ хандон.

Туйгуларим қўзғатиб бетин,
ҳайратимга бахш этасан тил.
Руҳ олами ёришиб секин,
най чалади ҳасратли кўнгил.

* * *

Қозоқбой Йўлдошевга

Қаршимда тўлғониб оқади дарё,
Ундан ранг олади ложувард осмон.
Кўэу кипригидан таратиб зиё,
Бағрига офтоб хам шўнғир беармон.

Оғушида шодон юзар ўрдаклар,
Қалдириҷоч тўшларин чайқалаб учар.
Соҳилда мажнунтол, адил тераклар,
Еллар-ла ўйнашиб мастона кучар.

Майсалар энтикиб беради салом,
Ялпизлар таратган хушбўйи тўлғин.
Кўйнида балиқлар дуркуну соғлом,
Кирғок сари ўзин отади тўлкин.

Юрагимдан оқиб ўтади дарё,
Сирли шовуллашин тинглайман жимжит.
Зангори либосга бурканган дунё,
Бугун вужудларда ғимирлайди Ҳут.

Турсун Али

Сокиң хайқирик

* * *

Кувам боғларин эслатсин дея
хөвлимга ўтқаздим
анор күчтегелин.

Бул ниҳоллар бир кун
Дўрмон боғларига қанот бўлар
дунёни тутганда шовуллашлари!

* * *

Кўз ўнгимда гўзал капалак,
Шаббодадай ўйнар хуш.
О, капалакмикан?
Ёхуд
Катта кўлдан юксалган оқкуш?
Нима бўлса ҳам,
Мен — оғир тошни
Кўзғата олди у.

* * *

Шамол,
Чақмоқ,
Момақалдирок,
Ёмир...
Ивиб кетдим-ку,
Шафқат борми
Сизларда, ахир?!

Бахор чешілары

ГУЛЛАЁТТАН БОФ

1

Гилослар гуллаган чори
бошига ўт ёқди чакмок.
Ёмғир севалади бехос,
бүрон келди не чоқ?
Нигохим кирсиллаб синди менинг!

Гилослар гуллаган бокқа
қайдаң келди қора қарғалар?
Балки,
оппоқ гуллар
қарғалар наздыда эримаган кор?

Деразам қанотин ёзиб қўйдим,
ҳиди кирсин дея
гилос гулларин.
Эшикни ҳам очдим мен
кирсин дея нафасинг.
Қандай гўзал,
ифорлар тўкнашган жойда яшамок!

2

Кўпириб гуллаган олча шохлари узра
учар эди гўзал капалак.
Сен эмасмидинг, эй малак.

Олчалар гулига қўнган капалак,
кел, қўнгин елкамга,
гулласин қақшаган юрак.

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

Олчалар гуллаган кеча
сен йўқ эдинг ёнимда,
диморимга урилиб турди нафасинг.

Олча гули қаъридан
эшитилди
сенинг ифор тўла овозинг.

3

Ўриклар гуллаган қийғос,
пойимда майсалар нафис,
юзларимга урилар илик кор.

Ўрик гулин тортқилар шамол,
еллир гулни болари,
бунчалар йироксан, Осмон?

Ўрик гулларига қўнди кор,
баҳор қўлларида қиш қиличи,
нимада қолдийкин
кора қиш илинжи?..

4

Дарахт,
мен сендан олдин уйғондим,
ана, олдимда барг ёзар кунларим,
хозирча бошимга ёғаётир кор.

Дунё гуллай бошлади,
гуллаётган сочимдан
ранг олаётир у.

Бахор чечаклари

5

Боғимда ўриклар гуллаган чори,
туманлар изғиди ногоҳ,
юпун юрагимда эсди шамоллар.

Яшил майсага бош кўйиб,
сенга кўп тикилдим,
эй кўзлари мовий Аёл!

6

Дараҳтлар бурканди гулга,
энди ёруғ бўлар кечалар,
оқариб кетади кундузлар.

7

Боғ, о, нақадар гўзал!
Юрагимда шивирлар
Мухаббатнинг ғамгин қўшиғи.

8

Ўриклар гуллабди бу ерда,
гилослар гуллаган оппок,
айт,
қачон гуллайди бизнинг муҳаббат?..

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

ҚИЗҒАЛДОҚЗОР

1

Чүнг адир,
ёнар күкси.
Йүк,
йүк, адир эмас —
ёнаётган бағрим,
унда очилған қизғалдоқлар.

Бепоён қизғалдоқзор.
О, она Туркистан,
тупролинг күксидан
қон тирқираб
уфқ сари оқар.

Қизғалдоқзор.
Учар хонқизи,
холдор қанотлари қип-қизил.
У хам
севги йүлида
қон ичғанми мен каби?

Қизғалдоқлар —
юлдузларга ўхшайды.
Йүк,
йүк, қизғалдоқлар
Мұхаббат ўтида куйған қалб синиқлари.

Бағри қон дала.
Йүк, йүк,
бағрида қизғалдоқлар очилған алвон.
Ишк ўтида ёнаётган
бағрим кабидир дала.

Бахор чечакмари

2

Кизғалдоқлар,
сиз билан тунадим бир кеча.
Айтингиз,
озор бермадимми —
гул дилингизга?

3

Кизғалдоғим,
иболисан жуда.
Юзларингдан
ўпай десам
ловуллаб қизарган ёноғинг.

Кизғалдоғим,
олтим келди
бағримга сени.
Кўркма,
кел, бу жойлардан
бехавотир бағрим аслида.

Кизғалдоғим,
юр, сени олиб кетай.
О, юрагинг
жуда яқин
конли юрагимга.

Кизғалдоғим,
сени севиб қолдим.
Ахир сен
накадар ўхшайсан
суйганимга.

Турсун Али

Сокин
хайқирик

ЖИЙДАЛАР ГУЛЛАГАН КЕЧА

1

Сен юрагимга кириб келдинг,
тасодиф эмасдир, балки.

2

Сен ҳам тўрт девор ичидасан,
Мен ҳам тўрт девор ичинда.
Қандоқ тоидик бир-биримизни?!
Наҳот,
олтин кишанлар узилди?
Ишон, кўнгил кўнгилдан сув ичмак бўлди.

3

Қайларгадир сени бошладим,
Жимгина кетавердинг сен ҳам.
Йўл охири жарликми,
ёхуд гуллаётган боғми?
Сен ҳам,
мен ҳам билмаймиз.

4

Жийдалар гуллаган кеча
ухломадим,
эй олисдаги соғинчим,
кириб келавердинг
хотирот сарҳадларига.

Бахор чечак мари

* * *

Зумрад адиrlарга кетайлик, жоним,
қарагил, унда хур яшнар майсалар.
Дарёдай жүшади танимда қоним,
устимиздан ўтар абри найсонлар.

Зумрад адиrlарга кетайлик, юргил,
қиэгальдоқлар кутар бағирлари қон.
Майсалар оғушига сингамиз буткул,
азизам, бу дамлар қайтmas ҳеч қачон.

Зумрад адиrlарга кетайлик, буқун
негадир ўртанар, куяр бу бағир.
Кенглиқда бошланар баҳор биз учун,
Мұхаббат туғилтай софликдан, ахир.

* * *

Майсазор сўқмоқдан бораман ёниб,
далага сингаман нурдай бетовуш.
Елларда ўйнайди соchlарим тўзиб,
бинафша атридан бўламан сархуш.
Кирлағининг пойига тўшалган кенглик,
ўйнар, эркаланар кўксимда сабо.
Барқут майсаларнинг шифобахш хиди
зориқкан рухимга бўлади даво.

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

* * *

Олмалар
гуллаган боғларда,
Күнглимда гунчалар очилмас.
Капалак ўйнаган чоғларда
Кўзимдан
севинчлар сочишмас.

Кушчалар сайрашар
кўнгли чор,
Кукулаб қолди-я мусича.
Рухимнинг дунёсин
ушбу чок
Шуълалар ёритмас
зифирча.

Этнида ярашган оқ кўйлак,
Баҳорим,
сен йўқсан,
йўқсан-ку.
Юкуниб сўрайман,
кел,
малак,
Сенсан-ку баҳорим,
сенсан-ку!

Бахор чечаклари

ЗАНГОРИ ТҮЙГУЛАР

1

Бахор,
кад ростлаган майсалар
шаббода нафасидан
хилпиратиб яшил күйлакларини
уйқудан уйғотди
менинг зангор түйгуларимни.

2

Тун.
Кезаман Дўрмон боғларини,
ҳайрат эпкинлари урилиб юракка.
тикилсам Шукур Холмирза боғига
бир туп ўрик
ёритиб тун кўксин,
осмонга ўрлайди оппоқ хайкирик.

3

Бахор эрта келди Дўрмон боғларига
даражтлар гуллади қийғос.
Маъюс ўйлар бўрони
руҳимни чулғади.
Ижоди мавжланиб шул дараҳтлардай
гуллаган чоғи,
оҳ, оламдан эрта кетган
Шавкат Раҳмон келди ёдим дунёсига.

Турсун Али

Сокин
жайқырик

4

Бое.

Майсазорда чалқанча ётиб,
сени осмон күэгусида күрдим, қышлоғим.
Ү, ўшанда майсаларга ёнбопилаб,
сехрли шаҳарлар сари
орзулар отида учардим бесар.
Ай, қиплоқ,
бу күн соchlаримга йилларнинг
оқ гардлари кўнгандан
тўфонли шаҳарнинг бир четида
майсаларга юмалаб-юмалаб,
сени ўйлай-ўйлай,
кўзларимда осмон кетди қорайиб.

* * *

Уйғонгин, атрофга тикилгин,
куёш нурларида ювгин юз.
Осмон соф, гүёки бу ерга
сира ҳам қайтмагай қиш ва куз.

Уйғонгин, боғларга кир чопиб,
даражаларда опиқ наволар.
Майсалар куйлади ғаройиб,
ўйноклар атиrbўй саболар.

Уйғонгин, термилгин атрофга,
шодликлардан учасан — гүё.
Ер юзи чўмилган софликка,
уйғонган ажойиб бир дунё.

Базрияда
нүкәрган сөбәп



Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

БИНАФШАДАН-ДА ГҮЗАЛИМ

Зумрадга

Бунчалар нафиссан, гүзалсан,
каршингда бинафша
бош эгар уялиб.

Кўзларинг накадар порлок,
бир фарибни
сиғдирарми қаърига?

Сенинг кўаларинг олдида
шоир ҳам эмасман,
гадоман меҳр сўраётган.

Кел, қўлларингни ўпай,
манглайимни силаган,
эй, порлок кўзлигим.

Ох, тилинг шу қадар ширин,
мен қўрқаман
чўқимасин дея қарвалар.

Хавотирланма, жоним,
йўқотиб қўймасман,
яшириб кўйганман сени юракка.

Бағытта күнкаған сөбі

ИЛОХА

Кече.
Ой елкамда,
қайдадир кетяпман толғин.
Е: илоха,
йүлимга пешвоз чиққин сен!

Сен томон боряпман
шамолдек ғарип.
Топаманми,
ё Парвардигор.

Пойимда ўлик қор,
күзимда шарпасиз туманлар...
Күнглим гүшасида
Ёлғиз ўзинг,
ўзинг ёлғиз!

Кафтигма ўхшайди йүл,
сен қайдасан?
қайдасан?
Маконинг қайдадир,
севгили?

Энди мен яшайман:
Юрагимда — яра,
бошимда — қиров,
күзларимда — тун...

Фақат
тогни залвори билан
бөсіб турған зангор осмондай
бошимни тарқ этмас
зумрад-зумрад хаёллар.

Түрсун Али

Сокиң
жайқирик

ОХУ

Niginaga

1

Оху,
сени күрмаганимга
минг йил бўлди, ёху.
Балки ундан кўпроқ.
Шундок рўпарамдасан-ку,
наҳот,
кўрмаётган бўлсан,
Оху?
Мен телбами?
Ё?
Ох, у!

2

Оху,
нега мендан чўчийсан?
Бир кўринасан,
тошлар ортига яширинасан.
Сувга чўккан олтин каби
ғарк бўласан, Оху,
хаёлимнинг гум уммонига.

3

Оху,
кўшалок кутб мисоли
узоқлашдик бир-биримииздан.
Энди ўртамиизда чоҳ пайдо,
гар яқинлашсак,
аждардек домига тортар беаёв.
Ох, у!

*Базаримда
күйкән сөвги
күйкәримда сөвги*

* * *

... га

1

Сен олислардасан,
юлдузлардан-да йирок.
Бирсө...
Күзларинг бокар күзларимга.
Юзларингни күясан юзларимга.
Бир күчок гул бўласан қучогимда.
Рангин қўшиклар куйлаб
рухимга бахш этасан ором.
Сен ҳар кеча
тушларимга кирасан шундай.

2

Энди
хаёллар сурман
тўзғоқ соchlаринг толаларидаӣ.
Хаёлларим бепоён кенгликларида
фақат ўзинг,
фақат ўзинг.

3

Энтикиб боряпман сен томон,
бор бўлсанг, севгилим,
рухим боғларида очилар гуллар.
Гар бўлмасант,
шаксиз, гуллар сўлар кўксимда.
Кун бўйи
димоғимга хазон хиди урилар.

Турсун Али

*Сокиң
жайқирик*

КЕЧА

Кеч... Сен ва Мен,
гүё ой билан қуёш тутилган.
Оқ билагинг ушлайман,
севаман, лабларим шивирлар.
Тун чўккан кўзларинг қаъридан
жаранглар чароғон кулгулар.
Вужудим каршингда чарсиллаб ёнар,
атиргул қучгандай
кучаман сени.
Бош қўясан кўксимга,
исмсиз оромдан бўламан сармаст.
Сен-чи,
кўзларинг юмасан,
хаёл дengизига шўнгийсан,
балки тушлар оғушида мизгийсан...
Мен баҳт подшохи,
юз,
кўзларингт
кўмаман қайнок бўсаларга.
Сен уйғонасан — гүё уйқудан.
Ненидир йўқотиб топгандай
энтикиб кучасан мени
жоним дея,
ипак бармоқларинг кезар соchlарим ўрмонларида.
Ўша кеча
унутаман кора дунёни.

Бағрилда кўйкаған севги

* * *

Бир оқшом
Эркаладинг мени.
Бокира туйгулар уйғониб кетди.
Мехрим офтобдай товланди,
Тўғиган соchlаринг силадим.
Лабларингдан симирдим асал.
Сочларингдай бир тутам тун
Тумандай таркади.
Харир кўйлакли тонг
Сендан олисларга етаклар.
Юлдузлар чақнаган кеча
Ёдим осмонида ой каби балқир.

* * *

Биламан,
сенинг ошиқларинг кўп,
соядай орtingдан эргашар.
Хоқласанг, энг ёруғ юлдузни,
ойни ҳам
гулдай тақиб қўйишар кўксингта.
Амин бўл,
улар капалак каби
гулдан-гулга кўчувчилаr.
Менинг калтадир қўлларим,
ғарибдир сўзларим,
биrok
мўъжаз юрагимда
сенга муҳаббатим бор,
муҳаббатнинг ўзидан ҳам катта.

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

ГҮЗАЛ АЁЛ

1

Фамгин овозинг —
дунё билан видолашаётгандай,
юрагимни бўзлатди
ва кўнгил ойнасин
этди чилпарчин.

2

Багринг осмон, севгилим,
дўст ҳам, душман ҳам
сиреб яшайди bemalol.
Мен эса кўркаман
беноён юрагингни юлиб қўймасин дея...
ўзгалар.

3

Корли тояларга термилдим жим,
гул боғларга термилдим жим,
шаркираган сойларга термилдим жим,
уч кунлик хилолга термилдим жим,
гўзал аёл, термилдим сенга,
кўзларимга тошиб келди хайқирик.

Бағри міда Жағри міда [“] *күйкаған севги*

* * *

Қайдасан,
ярақлар күзларим.
Йўқсан-ку
кўзларимга урилган
бахт купши.

* * *

Сен шодон,
мен шодон,
ўртамиэда яшар
қора ридо кийган
Умидсиз севги.

* * *

Сен шу қадар гўзалсан,
кўз узиб бўлмайди.
Ҳам абад, ҳам азалсан,
юрак асло тўлмайди,
бағримда кўкарған Севги.

* * *

Севгилим,
қисмат йўллари
олиб кетди сени йироқларга.
Не қилай?
Тутиб қололмаган бўлсам
тўзгин соchlарингдан ўзим.

Турсун Али

*Сөкүн
хайқириң*

* * *

Севгилим,
Йўқсан серўпқон йўлимда,
Пешонамни урдим
Қип-қизил ёлғонга.

Сен йўқсан кўзларим ташида,
Чақирмоқ бўламан жавдираб,
Калимага келмас тилларим.

Сен йўқсан ҳайбатли уйимда,
Очмоғим мушкулдир эшикни,
Кўлим шол — бўйсунмас ўзимга.

Сен йўқсан шўртаъм ҳаётимда,
Нечук сенсиз яшаётирман,
Туркистон тупроғинда ғариб, бенаво?

* * *

Бу тун
кўксимга санчдинг пичок,
эй, олисдаги яқиним.

Бағында тұңғиған сөзги

ФАРОЙИБ ТҮЙГУЛАР

C.ға

1

Сенинг ҳисларинг оламида
Толдим.
Гулни кучаману маst этмас ифори.

2

Ногақон чорлайсан ғаройиб дунёга,
Туманлар оғушида қоламан паришон.
Наҳот, шоирман? Сүрайман ўзимдан!

3

Сармастдек құчасан,
Үтлиқ бүсалар оғушида қоламан.
Менинг чи, сени күчмокқа етмас қўлим.

4

Нажиб дунёларга айладинг ошно,
Мен эса,
Сени башлаб кетолмайман дунём боғларига.

5

Нақадар гүзалсан, расида,
Үн түккізда умринг боғлари.
Боғингта кираману,
Адашган кимсадай тарк этаман Сени.

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

КИТОБИЙ ТАШБИҲЛАР

Кел,
Рухим эшиклари очик,
Кўзларим шаффоф нурлари
Йўлларингга тўшалган.

Кел,
Капалакдай учиб,
Қалбим гулзорлари
Сенга мунтазир.

Кел,
Барча эшиклар очик*.
Гар келмасанг,
Дунём эшиклари ёпилгай бешак!

* * *

Дунёга боқаман сени соғиниб,
Бағримни эзди мунгли бир товуш.
Хастадил инграйман вужудим ёниб,
Юлдузлар руҳимга қулайди бехуш.

Мени итқитади шамоллар қўли,
Қайғу диёрида кезгайман танҳо.
Нажот, сароб бўлса соғинчим йўли,
Йўқ, йўқ, ўзинг асра бундан, илоҳа.

Майли, ғам элида изғий пиёда,
Илло, висолингни соғинидим бехад.
Оҳ, сени қўрайин ёруғ дунёда,
Юрагимга чўкиб кетган муҳаббат.

* Латип шоири Имант Зиедонис сатри.

*Токта нарад
сұзаётган қайып*



Турсун Али

Сокиң
хайқирик

УМИД ҚАЙИГИ

Нурли чүккілардан тушган дарёга
Бокдим-да тингладим
хайрат күйини.
Гоҳ жүшқин,
Гоҳ хорғин,
Гоҳо синиққан,
Гүё қалбимдаги хислар ўйини.
Агадсиз булоқлар,
жилғалар,
сойлар,
Дарё
шашмақомдай муazzам нола.
Умрим осмонидан ўтмоқда ойлар,
Мен эса
хали ҳам
хайратчан бола.
Борлигим
қайиқдай эврилар бирдан,
Нигоҳим изидан
сузаман токқа.
Аждардай оқимни
енгиб,
интилиб,
Етаман
ишқ қурған чүнг бандаргохга!

Жокка карад сүзаётган қайиң

ИНАНГУ*

1

Тунлар ўлиб қоламан мен,
ҳали олиб кетмай жасадни
қабристонга бораман ўзим.

2

Тун қаърида чигиртка
узоқ ғамгин чириллар,
тинглайман овозим ютиб.

3

Дилимда сўзлар кўп,
айримларин
занжирлаб қўйган тил.

4

Уйимдан узокда
бирок
яшайман уйимда.

5

Кўксимдан ситилиб кетган турналар,
қайтдингизми?
Мудрок туйғуларим уйронар бешак.

* Вьетнам шеъриятига хос шивирлаб айтиладиган шеърлар.

Турсун Али

Сокиң
хайқырик

* * *

Аёз...

Ёммир...

Кезинар кучук етаклаган аёл.

Ит күзидан сизилар томчилар,
аёл бепарво...

Ботинимда эса бетүхтов
ёғаётир кип-кизил ёмғир.

* * *

Кирдим боқقا булбул ахтариб,

Топмадим, тополмадим.

Не ажаб, сайраёттан экан

Күнглим бутокларида ул.

* * *

Тошни ёриб барқ урган нимжон майса,
Қаттиқ бошида құтариб турар хаётни!

* * *

Узмокчи бўлгандим

Сарик гулни.

Кўнглим буржларини

Ой каби ёритди

Барглари саси.

Жокна тағыл сүзәстгап кайиң

* * *

Кечани ҳам, Бугунни ҳам күрди У.
Эртасига,
Гүзал туюлди бир қулоч аркоң!

* * *

Тоғларда қишиш.
Чүккилар оппок қорга күмилган.
Гүёки вакт ҳам қолгандек тұхтаб!
Суқунат хукмрон бу диёрда
Гулламоқчи бўлган
Қалбим бардошига қоламан ҳайрон.

* * *

1

Учиб кетди кўлдан ўрдаклар,
қамишзор шитирлар ғамгин,
наҳот, мен овчи бўлсан!

2

Кекса чол арава тортиб
тун оғушига киради хорғин,
аравада не бор, билмадим!

3

Шубҳаланиб бордим олдига,
у эса кучукдай мўлтираб
мендан кетишга изн сўради!

Турсун Али

*Сокин
чайқирик*

4

Күксимда йирилиб қолган тошларни
түкдим ерга,
қарангки, ер анча юмшоқ экан!

5

Чумоли, йигасан, терасан,
ер қаърига олиб кетасан.
Биродар, сен чумоли эмассан-ку?

УМР

Йўл.
Буғдойзор.
Ботаётган кун каби
Бормоқдаман уфқ сари.
Тугамаса йўл,
Тугамаса буғдойзор...

ЁЗ

Ойдин...
Чайқалар кўл.
Балофат
чўмилар
соchlарин ёйиб.

ШОДЛИК

Эй соғинчим,
Сен келган дам
Рухим куши
Талпина-талпина
Учар кўк сари.

Токка кафас
Сүзайтган кайин

АРМОН

Кўнглимни итларга талатдим,
Кўлимини кимларга узатдим?
Тангри,
О!
Нимани тузаатдим?!

* * *

1

Шаҳар ёмғир остида,
Одамлар елкандай оқяпти,
Гўё дарёнинг кўринмас сарҳади!

2

Саратонда ёмғир ёқса гар
Гуноҳкор боладай
Чўчиб қарайман Осмонга!

3

Нега жимсан
Сукунат бўғзида
Қонга беланган Вакт?

4

Бу не ҳолки,
Куппа-кундуз
Танимайди одамни одам?

Турсун Али

*Сокиң
жайқирик*

5

Сени күрай дейман-у,
Нечундир
Күркаман ўзимдан!

СОЯ

1

Йўқ, дарахт,
мен сенгамас,
суюнаман соямга.

Сенинг ортингдан эмас,
соям ортидан
юрмоқдаман дадил, мардона.

Харкалай,
эй одам, шукур,
сенга эргашмайман.

2

Саратон.
Терлаб кетдим сояда.
Гарчанд терламасдим,
Ўша дарахт соясида эмас,
Ёнаётган офтоб кўзида бўлсан!

Сибирский фасл



Турсун Али

Сокин
жайқирик

КУЗ ОВОЗИ

1

Кеч унган майса,
киров оғушидасан.
Не ҳам қилурсан,
аччиқ изгириң,
кора шамоллар
күксинг тилсалар?
Киров ялаган майса,
не ҳам қилурсан,
дунё паноҳсиз?!

Хар ким
үзи билан үзи овора.
Киров тиғлаган майса,
бақувват туролса илдиzlаринг
дунёга қайта келурсан!

2

Кунишар ёлғыз турна.
Мұрт япроқларга
тикилар ғарип.
Сафдошлари учеб кеттан,
қайға борсинг,
бояқиши чүлөк!

3

Ойдин кеча,
рухим дунёсига солди қасирға,
бутогида сарғайған япроқлар саси.
Куйған ой
бокар саросимада.

Сарғайған фасл

4

Барглар нафас олмоқда оғир,
ой хорғин түшамокда нур.
Овозинг эшитилар мири-шира.
Күз кечаси бунчалар нотинч,
чүчиб уйғонади күшчалар.

5

Ярим тунда
уйқудан уйғотди тийрамоҳ саси,
ох, қандай маъюс,
қандай ғамгин
барг каби титради вужудим.

6

Шудрингли тонг,
япроқдай сарғайған
дўстим ҳузурида
қуёшдан вақтлирок
юрагим қўрларин сочаман.

7

Кўзларимдан сузиб ўтар
елкасига
хазон япроғи қўнган одам,
чўкиб қолган
тоқка ўхшар у.

Турсун Али

*Сокиң
жайқырик*

8

Жунжикасан,
совук едингми, оқ кантар,
сездингми, тегрангда күз,
умринг осмонларида
корли кишилар бор җали?

9

Кузги бое.
Яланғоч новдалар күзида нам,
мунғайиб бокади теваракка.
Кузги бое,
худди майыйит чиққан хонадон
ёхуд
Мұхаббати пайхон бўлган юракка менгзар.

10

Теграмда хазонлар тўзони,
пойимда майсалар сўлиган,
бошимдан учадир турналар.
Эртага гиёҳлар кўкарап,
турналар албатта қайтади,
бироқ, мен қайтмасман, севтилим.

Сарғаған фасы

КУЗ РАНГЛАРИ

1

Шом.
Қарғалар қариллар.
Юракни чўкийди
Тушунксиз ғам.

2

Оқшом оғушида
Сен төмөн бораялман,
Майсадай дилдираган,
Япроқдай сарғайган,
Эй дилафкор аёл!

3

Кунушған эркак йўл босар.
Лабида тамаки тутайди.
Тутундай бурқсийди ҳазин дардлари.
Етолсайди соғ-омон
Қанотлари кумуш тонг оғушига.

4

Сўнгсиз бир кеча.
Мусичадай жунжикар бева аёл:
“Ўткинчидир булар ҳаммаси!”
Уни қийнайди
Сочларидай чигал хаёл.

Турсун Али

*Сокиң
җайқырик*

5

Дарахтзор.
Олтин япроқ ой шуъласида
Чирт этиб узилар,
Юракка инади совук қалтироқ.

6

Боғда,
Рангпар майсалар оғушида
Ҳакка чўқиган
Бағри қон олма ётади
Кумурскага таланиб.
Бу юракка ботади оғир.

7

Куз ёмғири
Шивалар маҳзун.
Томчилайди юракка томчи.
Рухим осмонини
Қоплар талотум.

8

Мезон шамолига
Очдим кўксимни.
Э воҳ,
Сўндиrolмади
Ёнаётган юрагим тафтин.

Сарғаған файл

9

Куз қүёши кўридан
Илир бутун борлигим.
Илитолмас факат
Совуган юракни
Илик сўзларинг.

10

Намхуш ойдин.
Дўланадан кесилган новдага таяниб,
Боряпман сокин ҳайкириб,
Ана, ана,
Ок ридоли кундуз чорлайди олдда!

ТУРНАЛАР

1

Куз окшоми.
Мени фам дарёсига иткитиб юборди
узоқларга кетаётган
кадрдон турналарнинг
тилидан тўкилган мунглар.

2

Хой, турналар,
энди сизларсиз ҳувиллаган осмон остида
кандай яшайман?
Наҳот, яшасам,
гурбат диёрида мен.

Турсун Али

*Сокиң
жайқирик*

куз РУХИЯТИ

1

Бог.
Саргайган япроклар шивирлаб
Юрагимни тилди пичоқдай.
Вох,
Вужудим титрайди куэги япроқдай.
Шу тоб,
Эшигим очилиб, хотиротим,
Күзим оламига кирди аллаким.
У ким?
Балки, сен?!
Балки, хайхотдек ўлим?

2

Қабристон.
Зальфарон япроклар бутоқдан узилиб
Тупрокқа қоришар охиста.
Яланюоч күлларин ҳорғин чўзганча
Дараҳтлар бурканар қиши кафанига.
Сеездим,
Бу ҳолат
Рухиятим сувратига ўхшар накадар!

Юрагана
яшаёт ган тушилок



Турсун Али

*Сокин
жайқирик*

ТОЛКҮЧА

Балки, юз йил...
Балки, минг йилдан кейин
Түрілған юртимга бордим энтикиб.
Навниҳол болалигим
Бүй чүзган толкүчада
Бармоқлари узун-узун толлар дүстларим.
Мен билан бүйізар ўйнаган бүйеттан тераклар
Йүқ әди,
Йүқ әди,
Йүқ әди...
Күзларим жавдирағ етимдай,
И chimda нимадир чирт этиб узилар.
Болалигим кечган толкүча
Үксук күзларимга чиқади қалкиб.

БОЛАЛИГИМ ЫСГАН УЙ

Пасттаккина, қадрдон уй.
Деворлари нураган.
Унда
Яланг бош,
Яланг оёқ
Етим болалигим
Яшаётір.

Жрагиңда жашетган қишлоқ

АРАВА

Қишлоқ.
Үйдим-чүнқир йўл.
Пичан ортган арава ўтар имиллаб.
Фарам тепасида
Паншахага суюнган ойдай аёл.
Арава тортар майда қадам-ла эшак.
Етаклар кўзлари киртайган эркак.
Кўз ўнгимдан эртак эмас,
Хаёт ўтаётир ғирчиллаб.

ОНА ЁНГОҚ

Болалигим ўсган ҳовлида бир туп ёнғоқ. Унинг тагида кўхна сўри. Унда отам, онам, мен, укаларим, яна не-не қондошларимнинг кундузлари оқшомларга, оқшомлари сокин тонгларга уланган...

Ҳар гал мен олис йўл юриб, ўшал ҳовлига кирсам, ёнғоқ қулоч очиб, бағрин тутиб, онам қиёфасида олади кутиб.

Мен ёнғоқ тагида онам қучоридай хис этаман ўзимни.

Чарчоқларим тумани ёзилиб, руҳим офтобли осмондай кетар ёришиб.

Она ёнғоқ еллар этагида мени эркалайди, аллалайди, мен ором қучорига кетаман сингиб.

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

АНОРЗОР

Мастура Сайфиддиновага

1

Адир бағри.
 Анорзор.
 Қанчадан канча новдаларни
 Аёз уриб кетди беомон.
 Ълик шохлар
 Күзимга санчилар игнадай.
 Санчилар күксимга,
 Бүгзимга санчилар...
 Анорзор аро кезиб,
 Илдизларга қарайман
 Умидим жоми тұлиб.
 Қадим томирларда барқ урар Құва!

2

Бое.
 Қип-қиазил гуллаган анорлар.
 Оловдай яшинаси дея Анорзор,
 Қақшаган шохларга илиб күйдим мен
 Қалбим синикларин — гуллади алвон!

Юраги ида яшаттган кишмок

ЭСКИ МАВЗУ

Фўза, улкан дарахтга айлан.

Шавкат Раҳмон

Фўза, фўза, бунча нимжонсан,
Ўсағсан дехқондай ориқ.
Вужудинг-ла рангпар, хорғинсан,
Қалбга инар, оҳ, таҳир оғриқ.

Бошинг узра кора булутлар,
Ёмғир — хивич, савар беомон.
Илдизларинг кемирар қуртлар,
Дехқон каби аҳволинг ёмон.

Фўза, шоир умидларидаи
Улкан дарахт бўлсанг, кошкийди.
Катта ҳалқнинг ризқисан, ахир,
Куч-кувватга тўлсанг, кошкийди.

Фўза, фўза, бунча нимжонсан,
Ўсағсан дехқондай ориқ.
Вужудинг-ла рангпар, хорғинсан,
Қалбга инар, оҳ, таҳир оғриқ.

Турсун Али

Сокиң
җайқырик

БОЛАЛИК СОФИНЧИ

Болалик каттарган кишлоқдан
Букун Болагимни изладим махзун.
Худди хассасин йүкотиб, кундуз чирок ёкиб,
Кидираётган одамдай тополмай дилхун.
Ховлига кираман — юрагимдай хувиллайди у.
Күчага чиқаман,
Тикиламан катта ариққа.
Кичрайиб кеттан у, билагимга ўхшар.
Фұзалари Болалигимни яшириб күядиган
Бекхудуд пахтазорга термиламан маъюс.
Отма* бўйларида янтоққа урилиб,
Изладим Болалигим тўрт тарафга кўз тикиб.
Бироқ, топмадим ўша яланг бош, яланг оёқ,
Кўзлари ўйчан болакайнини.
Билсам, кишлоқ —
Болалигим кеттан экан ўзимдай кўчиб.

* Завурнинг шевада аталиши.

Занзор хүрснин



Турсун Али

*Сокиң
хайқырик*

ЁЛГИЗЛИК

1

Мен бунда ёлғизман,
Кичкираман, товушим музтар.
Ойга тикилсам,
Кетиб борар,
Ул ой ҳам ёлғиз.

2

Ёлризлик күйида шеърлар ёзмок бўламан,
Севгимдай ёниқ,
Нафратимдай аччик,
Сувратинг,
Сийратинг бўй чўэса, сулув.

3

Сен хаёлсан,
Бепоён хаёл,
Дунёга келмаган,
Эй кўнглим уйидаги
Ёлғиз аёл.

4

у
Кетиб борар
Майсалари сўлгин
Ёлғизоёқ йўлни
Опичлаб ололса қанийди,
Бахтиёр бўларди ўшанда.

Зангер хүрсинил

Уст-бошинг юпун,
Қаёққа кетяпсан хоргин?
Бошингда аччиқ довуллар.
Ёлғиз аёл,
Бери кел,
Ахир, мен шоирман,
Сўздан куч топаман
Сенга мадад бермоққа!

Тун кўксин
ханжардай чолиб
Поезд борар ёндириб изин.
Шамоллар
учади ҳансираб,
Фариб тоғлар боқади вазмин

Коп-кора
ёмғирлар остида
Поезд чопар энтикиб-ёниб.
Оқ либосли
тонг оғушида
Уни кимдир кутар қувониб.

Турсун Али

*Сокин
җайқирик*

ТАГИН ҚУШЛАР ҲАҚИДА

1

Тун.
Деразам олдида
Узок потирлади битта қүш.
Балки, қүш хам
Мен каби тушида
Түғилган ерига учаётир?!

2

Ойдин саҳар.
Чуғур-чуғур этади қүшлар.
Еруғылдан бошқа
Тагин нима исташар улар?
Яна нимани?

3

Осмон йигиб олди олтин соchlарин.
Қаёққадир учиб кетди қүш,
Силкиб қолди дарахт күлларин.

4

Бунчалар нотинчсан, эй қүш,
Чайир қанотларинг ўзингники-ку?!

Нечун юрагингда яшайди күркүв?

Занғор хұрсинақ

* * *

1

Күшчанинг хұрсинағи
Юратимга урилди бўрондай,
Багримда нимадир ситилиб кетди.

2

Занжирланган кучукча
Хурди аччиқ,
Овози ҳавога кетди сочилиб.

3

Аждар борми ичимда,
Ҳаприқиб ютмоқдаман, тавба,
Тирик дунёни?

4

Рұхимда сокин хайқирик,
Эшишиб ҳам
Эшиitmаяпман.

5

Ойдан сени яширдим,
Кундан сени яширдим,
Қайда қолдинг, эй Ўзим?

Турсун Али

Сокин
жайқирик

* * *

1

Қайдасан?
Чақираман.
Сен келмасдан хали
Сени кучар нигоҳим.

2

Сенга қарайман, Ой,
Шундок қарпимдасан-ку,
Сени соғинаман, барибир.

3

Деразамга
Күшчадай ўзин урап
Олис Мухаббатнинг кўз ёшлари.

ЧИЛЛА

Ёзниг қайноқ кунларида мен сени йўқотдим. Куёшга қарайману ёнаётган кун қаршисида жунжикиб кетаман. Куёшга қарайман кўзларим косаси лиммо-лим тўла илтижо ила. Куёш эса ёпмоқда оқ аланга сочиб дунёга. Руҳим кенгликларига эса қор ёғмоқда. Бунча совук бўлмаса кунлар?..

Зангор

хўрсиник

* * *

Уйимдан олисдаман.

Ватанимнинг зангор гўшасида. Бунда дарахтлар зангори.

Майсалар зангори.

Гуллар-да зангори.

Ҳаволар зангори. Оламан зангори нафас.

Сокинлик кўли. Овозим титрамоқда. Унда руҳим чўмилгай қалқиб.

Офтоб нуридай кун ҳам узун. Тун ундан-да узун.

Кўзим дарвозасин очар ҳовлимдаги атиргул. Кирар кўзим уйига кулчадай ҳовлим. Шовқин солар қушчаларим. Китобларим мунгли. Хонтахта узара қорозларим қоп-қора.

Етимдай мунгайган ўринидигим. Тавин алланималар.

Тоғдек улугвор хаёл дунёси.

Ўзга ватанда ватан ўхшашин топмаган Шоҳ Бобур бўзлагай.

Руҳим күшин ғариб шоир Фурқатнинг соғинч сатрлари яралайди оғир.

Яна ватандан узилган сувайдоси очиқ не-не шоирлар кичқирав сассиз.

Үйдан олисдаман.

Ватанимнинг зангор гўшасида уйни соринмоқдаман.

Онам қабри бошида, отам дафи маросимида бўлмаган зангор хўрсиник тиранар вужуд-вужудимни қаттиқ.

Турсун Али

Сокиң
жайқырик

НАКУРТ*ДА УЧ КЕЧА-КУНДУЗ

1

Төр қишлоғи.
Бораман дадил ҳам шодон.
Төш уйлар,
Харсанг деворлар,
Фалати саслар.
Итлар хурап бегонасираб,
Бүри эмасман-ку?

2

Төр кечаси.
Накадар гүзәл.
Ой ёнбошлаган чүккіда
Мен ҳам тунасайдим шу кеча
Түлин ой билан ёлғиз.

3

Тонгда,
Чүккіга тикилсам,
Олқорлар турнадай қатор.
Улар орасидан топмайин сени,
Корайған тошлардай чатнади бағрим.

4

Мастона ётибман
Яшил майсаларга
Бошимни күйиб.

* Нурота тизма тоғлари бағридаги бир қишлоқ.

Зангор хүрсиник

Осмон якин,
Үрнимдан күзгалсам бошим тегар.
Севгилим,
Осмондай йирокдасан Сен!

5

Чўқкилар ёнбағри.
Шарқираган сой
Тошларни оқизгудек ўйнар.
Менинг ҳаёлимни олиб кетар у
Сен томон,
Эй олисдаги кўзлари хумор.

6

Автолар бу ерда юрмас бўкириб,
Поездлар қичқириб ўтмайди сира.
Исмин билмаган қушлар сайрап ғаройиб,
Накуртсойда сувлар сакрар охудай.
Бу ерда ҳаёлга ҳеч нарса келмас,
Гўзаллик юракни чирмаган буткул.

7

Бу тоғларнинг ҳар чўққисида
Какликлар кувнаб ўйнайди.
Мен ҳам какликлардай,
Ёлдор чўқкилардан сенга тикилсам,
Сулув кўринасан чунонам, Ҳаёт!

8

Куёшга бош қўйган қояда бургут,
Қоядан қояга учади ўқтам.

Турсун Али

Сокиң жайқирик

Парвоз этаётиб фалақда бургут
Кімір эттан құмурскани күрармиш ҳатто.
Бургут тоғылларга ўхшарми?

9

Серпўстлоқ арча
Шохларин ёйиб тебранар.
Үзак шохи кесилган,
Балки, синдирган
Йилларнинг бешафқат бўрони.
Балки, чақмоқ урган,
Балки, қилич билан чопган ёв.
Бул ёлғиз арчанинг илдизлари
Тарих бағридаги тошларни ёпар.

10

Қоялар ёнбағридаги яйловда
Тушовланмаган отлар,
Майсаларни ялар олов тиллари.
Озод тулпорлар кишиаб,
Узоқ-узокларга тикилар.
Югургандан туёкларидан
Чақнайди чақмоқ.
Шунданми,
Бу ерларни ораламас
Кўзига қон тўлган бўрилар.

11

Накуртсой бўйлари дарахтзор.
Бағрини булбуллар айламиш маскан.

Зангор хүрснин

Эх,
Булбул хониши
Накуртда түгилган
Оташин шоирни эслатди бирдан.

12

Төг бағридаги қабристон,
Зангори майсалар шовуллар.
Кулоқ солиб тингласам,
Кадим тили бузилмаган
Тоғликтар шевасин эслатарди у.

13

Майсаларни кучиб ётаман.
Димокқа урилиб еллар бағрида
Ифорлар күзимда түлғанар.
Шундок яқинимда чечаклар иболи,
Күнглимга солади сулув туйғулар.
Энтикиб құл чўзсан тутқич бермаслар!

14

Төг бүйлаб йўлимда
Жўшқин булоқларга келдим рўбарў.
Она сутин эмгандай
Симираман оппоқ сув.
Туғиламан гўё қайтадан.
Энди
Төг фарзандиман.
Шунда билдим:
Булоқлар — она тоғлар кўкраги!

Турсун Али

*Сокин
жайқирик*

15

Тоғ күйнида уч кеча бўлдим.
Ёстиқдошим бўлди
Яшил гиёҳларнинг ифори.
Ҳамроҳимга айланди фақат
Багирлари гуллаган тошлар.

16

Сўқмок
Бешбармоқота чўққилари сари
Элтади мени.
Хориб,
Толиб,
Ютоқиб сув ичган йўлчидаӣ,
Кўзимга суртаман буюк чўққилар гардин.

17

Бешбармоқота зирвалари,
Бешта бармок туради мағрур,
Накуртликлар қоматидай
Ич-ичидан ёғилиб фурур.

18

Бешбармоқота кояларин пойида
Майсаларга кўмилиб,
Хўп ўйладим мен сени, Ватан!
Қучоғинг бунчалар гўзал,
Ўлиб ҳам
Тирилиш мумкин bemalol!

Зангор хўжиник

СОКИН ҲАЙҚИРИҚ

1

Чумоли,
Эрта-ю кеч тинмайсан,
Куурур тинканг.
Бирок, хеч вақо топмайсан,
Еўм-бўш қўлларинг.

2

Мени англамадинг.
Мен ҳам.
Конли тупугимни
Тупурдим сенга,
Хой, йўргадек ўтаётган Вақт!

3

Кўзимнинг юртида сувратлар,
Улар яшаётирип
Боқий дунёда.
Ох, ғамгин уммонга
Шўнгир юрагим.

4

Бунча куттирасан,
Хой, сувга шўнғиган одам?
Сен бормисан,
Ёхуд
Мен йўқманми?

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

* * *

1

Кутичага яшириңган жоду,
Елғон,
Үтирик сүэларинг ила
Бунча сәхрлайсан?
Воҳ,
Қафасдаги маймундай
Шармандасан-ку
Енаётган дунёга?

2

Топдим,
Пешанамда гуллар бахт,
Кўксимда
Илдиз отар мухаббат.
Йўқотдим,
Сени, эй, пешанамга сиғмаган бахт!

3

Умид капалаги кўнглимдан учди,
Билмадим,
Қайга ҳам қўнар у?
Балки, гул япронига,
Балки, қўнар
Тили узун оловга, ёху!

4

Кетиб бораяпман,
Ортимдан янграр қадамларимдай
Сокин хайқириким.
Наҳот,
Ўзимдан кочиб кетаяпман?

Бүгүн кандаийн наа?...



Турсун Али

*Сокиң
хайқырик*

ҚОР ОРТИДАГИ СЕВГИМ

Мусиқа янглиғ өфар қор,
Хәёлимни олиб кетар у.
Күнглім идишида неки бор
Кор каби ёғилар,
Фаройиб ёғилар түйғу.

Кора қиши.
Ёлғизман.
Сиқылар юрак.
Күрмөкни истайман кимнидир.
Ким у?
Билмайман.

Юрагимда оппоқ түйғулар,
Бормоқдаман қор оғушида
Сирпаниб,
Тойиб.
Омомисан,
Хой, қор ортидаги одам?

Йүлимда қор яхлаган,
Тойиниб етаман қошингга.
Келдингми, демайсан.
Наҳот,
Сен ҳам қорга айландинг, севгилим?

Бул кандайин набо?...

АЧЧИҚ ҚОР ОҒУШИДА

1

Дүрмөн.
Кор қовурғасин қарсиллатиб
Дарахтзор оралаб кезаман.
Кечә шовуллаган
Хазон япроқлар кор остида.
Ед этиб уларни
Бормоқдаман зангори кунлар оғушида.

2

Кимнидир соғинган
Юрагим каби
Бунда қиши хувиллаб
Яшайди маҳзун.

3

Тарин ёғмоқда
Аччиқ қор.
Кор күйнида ёлғиз
Аёзни ютаман бедор.

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

КУНДУЗ

Кундуз.

Кор.

Дарахтзор.

Чинор гичирлайды,

Қарғалар қағиллар.

Оппоқ қорга күмилган кундуз,

Бирөк у тун каби қоронғу.

Дон излайди шүрлик мусича.

Пешанамни уриб олдим

Киличдай ялтироқ дарахтга.

Күэларимдан ёғилди қорлар.

Хамма нарса яхлаган,

Овозлар музлаган ҳатто.

Муз күлимни чўзаман мен ҳам.

Совумоқда тобора ҳаво,

Ичимга ёғмоқда қор,

Бул қандайин наво?

Жунжикиб бораяпман тобора,

Ўчоқ бошидаги одам,

Ёнбошингдан жой бер менга ҳам!

Бүл кандайин на бо?...

* * *

1

Хамон ухлаяпман,
Ухлаёттан одамни
Уйғотади фақат шоирлар.

2

Корли сүкмок.
Ох, нақадар оғир
Бироннинг изидан юрмок!

3

Саҳарда қайта тирилдим.
Йўл кўрсат,
Бор бўлсанг, хой, тирик одам!

4

Сенсиз кирдир оқ қунларим,
Сенсиз қорадир ойдин тунларим.
Сенсиз дунё эмас ёруғ дунё ҳам!

5

Тақиллатар эшикни шамол.
Нимагадир орзиқиб кетди
Ошиқ ўжар юрагим.

Турсун Али

Сокиң
жайқирик

ОЗОДЛИК СИЙРАТИ

1

Озодман!
Озоддир Ватаним!
Занжиранган рухиятим кишанлари
Парчаланар қачон?
Қачон
Эркин рух еллари
Күкрагимни айлайди макон?
Қачон?
Тангри,
Рухиятим озод бүлган он
Мен ҳам озодман!

2

Озодлик!
Гарчи озодман,
Аммо
Эрурман қул
Үзимга ўзим!

3

Озодлик!
Метин панжаларим билан
Бүгаяпман ўзимни ўзим.
Сүйилганидай оккуш
Кон тиркирар бўғазимдан.

4

Озодмиз,
Бошимизда ҳиллирар ўз туғимиз.
Бормоқдамиз
Кеча ҳам,
Бугун ҳам ой шуъласида жим.

Бул канчайин набо?...

5

Тонг огушыда
Бундан-да ок,
Бундан-да фараҳбахш
Тонгни соғинаяпман,
Тонгга ўшамаган Тонгни!

6

Озодлик кўрпасида
Аёл ухлар яланюч,
Кўзларида,
Юзларида,
Сочларида ухлар тун.
Тонгта юзин ўгириб олган!

7

Озод қушим,
Мунча жовдираисан?
Мунғаясан нечун?
Харқалай,
Юпун эмассан-ку?

8

Озодлик — Севгилим,
Сен сўнмас Ҳилолимсан.
Ишснаман,
Эртэ кучоғингда туғилар
Юлдуздек ярқирок кунларим.

Турсун Али

*Сокиң
жайқырик*

* * *

Оқшом.

Оғир арава тортаётган от каби
Оёғимни судраб келаман уйга.

Күмилади күрпага таним,
Рұхим кезар
Тун ичра бедор.

МАНГУЛИК

Мусиқани синдириб қўйма,
Хализамон керак бўлади!
Майли,
Синдир мусиқани,
Тирилар у қайтадан!

* * *

Йўл олис.

Автода ёнма-ён ўтирсак-да,
Орамиз йўлдан-да олис.

Бул кандашын нафо?...

• • •

1

Тунда кимдир кичкирди,
Шамолга боғланди товуш.
Тонгда қулоғимга тегди шум хабар.

2

Кумурскадай кичрайиб бормокда одам.
О, унинг сояси
Йириклишиб бормокда қоялардан ҳам.

3

Мен севган аёл овози
Бу ерда
Эшитилаётир Ойдан.

4

Уйимга бордим мен.
Борганим йўқ.
Кўлингизни тутинг, оккуш булутлар!

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

* * *

Күшлар каби менда қанот бўлса,
Учсам олис-олисларга.
Софиниб яшасам
Юртимнинг хар гиёҳ,
Дарахтини ҳам.

* * *

Ой карияпти.
Ер-да қариди.
Қариб бораяпти дунё.
Дарвоке,
Тушун-да,
Сенга нимадир дегим келаяпти!

* * *

Чархланган пичокқа ўхшайди йўлим,
Тиф устида бораман дорбоз мисоли.
Сенга узатурман лангарчўп қўлим,
Карши олгин мени, буюк иқболим!

* * *

1

Замона шу қадар гўзал,
Хайқираман тўлиб.

2

Оч бўрига дуч келдим ногоҳ,
Ортга қайтиб бўлмайди энди!

Бул жандайин нағы?...

3

Каршымда йўллар кўп,
Кай биридан юришни билмайман.

4

Вакт зик,
Оғзимдагини чайнолмасман бемалол!

5

Харқалай, ҳайкалтарош вактдан эмас,
Ҳайкалин ясайди тошдан!

6

Ўзини ўлдирди У.
Унинг учун гўзал эди Мудхиш ўлим.

7

Кўзларимдан ўрмалар Вакт.

8

Бешафқат Вакт исканжасида
Кичрайиб боряпман тобора.

9

Елкамдан ўтади тирноғин қадаб
Қабристонга узанган баҳайбат Йўл.

10

Кундузи Кундузни излайман
Қора кўзларим юртидан.

Турсун Али

Сокин жайқырык

11

Хаёлим гохида шу қадар мудхиш,
Сира ҳам измига бўйсунмасман!

12

Осмон чанг нақадар! Қандоқ яшаяпсан,
Вой, менинг бечора қушчам?

13

Бу жаҳон кўрпаси шунчалик кир-чир,
Бағрида ухлайман босрикиб мен ҳам.

14

Бошимни тошларга урдим, синмади,
Кўксимни ханжарга тутдим, кесмади.
Битта сўзинг сенинг ўлдирди мени!

15

Тунда ғаройиб товушдан уйғониб кетдим.
Қарасам, боладай чинқириб кетиб борадир
Сочлари оқарган Умрим!

16

Сени узоқ куттирдим,
Изтироб йўргаклаган кўзинг ўнгидаги
Ўлдирдим ўзимни ўзим.

*Районом
доуга*



Турсун Али

*Сокиң
җайқырик*

МАЙМУН

Қафас ичра маймун,
Жилмаяди гох,
Гох иржаяди,
Тиржайтиради күйган калла каби
Тишларин.
Илондай түлғанар гохи,
Неки улоқтирса болалар
Илиб олар бир зумда чаққон.
Тағин ирғишилайди әққидай,
Одамдай жилпанглайди.
Үзича,
Ром айлагай гүё дунёни!

БҮРИ

Темир қафас.
Күзларига қон түлгап бўри
Атрофига боқар шиддаткор.
Оғзи қон,
Тумшуғи қон.
Қизил тили билан тумшуғин
Ялайди мағур.
Олмосдай тишларин ғижирлатар у.
Хозир,
Қонурградай панжара букилар,
Ситилар наздиди,
Тап тортмайди Бўри.
Дарвоке, уйғоқмикан унда тазарру хисси?

Хайбонот доңида

АЙИК

Айик ухлаб ётар пишиллаб.
Турфа шовкин-суронларга
Эриниб очади күзларин.
Нелар кечәтир дунёда,
Иши йўқ унинг.
Неки ишда
Қилмиши йўқ унинг.
Пишиллаб ухлайди Айик,
Бу холат
Иним ҳаётига ўхшайди жуда.
Харнечук.
Инсон билан
Айик қисмати
Бир қадар уйқаш.

ЙЎЛБАРС

Ўх, қаршингда бир қиз, йўлбарс,
Сендан кўз узолмай тикилар.
Сенга чўзар оппоқ бармоқларин
Жилмайиб панжара ортидан.
Имо қиласр,
Чакирав.
Қандайдир илинж тиғлари санчилар унга.
Чўлпон кўзларида булутдек сузади армон.
У қиз
Сенинг бакувват панжаларингга
Ёхуд чайир гавдангга эмас,
Йўл-йўл пўстинингга кўзларин тикиб,
Кошингдан кетолмай тентирар ғариб.

Турсун Али

Сокин жайқирик

АРСЛОН

Хой, қафасдаги арислон,
Нега жимсан?
Борми, ўзи,
Кўксингда юрак?!

Арислон уйқуни уради юввош.
Не қилсин боязиш,
Турфа хил емишлар элтиб берсалар?

ТОВУС

Қафасда товус,
Ранг-баранг товланади патлари.
Гоҳ ёяр,
Гоҳ йифар.
Мумтоз нафосатнинг қисмати
Ёй тортади менинг кўксимга!

ЖИБЛАЖИБОН

Шоҳдан шоҳга сакрайсан,
Шоҳ ташлаб тушурсан ўйинга.
Тиним билмай сайрайсан,
Хар лаҳза тушурсан не куйга,
Қалбаки боғдаги жиблажибон?

БУЛБУЛ

Нега жимсан,
Сайрамайсан жўшиб,
Сўлим боғлар эркаси булбул?
Маъюссан кўнглингда нелардир туюб,
Йўкми ёхуд бу жойларда гул?

Эски́з дафта́рдан



Турсун Али

*Сокин
хайқириқ*

НОЗИМ ХИКМАТ

Бир парча осмонинг бўлса.

Нозим Хикмат

Бир парча осмонинг бўлса,
Тикилсанг,
Нур сепар қалбингта юлдузлар,
Йўлингни ёритар Ой.
Бағринг ҳам осмондай юксалар.
Тунлар юрагинг даричасини очиб,
Ёэсанг шеър,
Оромда ўтарди тунлар ҳам.
Ватанингда ҳақиқат пешанасин силаганинг,
Қўксингдан жой берганинг учун,
Озодликнинг күш каби эркин,
Бемалол яшашига қайтурганинг учун,
Сенга ҳеч ким зулм тошларин отмаса,
Онанг ардоғидаги каби яшасанг.
Бир кун ўлсанг,
Сени ватандошларинг,
Қариндошларинг,
Хотининг,
Ўғил-қизларинг,
Дўстларинг
Кўмсалар сўнгра.
Ўлмайсан,
Жасадинг кўмилса Ватан тупроғига!

Эски дафтағдан

ШУХРАТ ХОТИРАСИГА

Дўрмон.
Боғ бўйлаб кезаман.
Қарайман.
Томи ёпилмаган

Шухрат аканинг иморати.

О, бу иморат,
Неча кунлар,
Неча тунлар
Бағри очик турар
яйдок даладай.

Бағрига қўнади қорлар.
Бағрига сингир оқ ёмғирлар.
Бунда тин олади шамоллар бирпас.
Бағрида совуклар кетар исиниб.
Тикиламан иморатга лол.
Шухрат ака унда соchlари оппоқ,
Балки чала колган сатрларин

битаётир?!

Энг катта асарин ёзаётир балки.
Балки,
Тўкаётир
хеч кимга айтмаган дардларин.
Балки...

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

* * *

Рұхимдай коронғу тун.
Юрагим доғлари түқилар қоз узра.
Киров оғушидаги заиф майсалар,
Қора совук chanгалида атиргул,
Бошлари кесилган дараҳтлар
Сиөх бўлиб томар сатрларимга.
Тонг-ла,
Ўқисин, дея Қуёш,
Ўқисин, дея Ёруғлик
Очиқ қолдираман шеър дафтаримни.
Бирок,
Шамолнинг узун қўллари
Ёниб қўяр бағри кон сатрларимни,
Ёниб қўяр юрагим доғларини.

* * *

Кел,
Қўлингни бергил, Ой,
Сен хонамга кирсанг,
Эҳтимол,
Тунда қолган умрим ёришар.

Сен жуда узок яшайсан,
Орамизда, ох, қанча тоғлар бор.
Баривир,
Тунлар ойдай,
Кундузлар офтобдай порлаб турасан.

Эски дафтағдан

“КОРАКҮЗИМ”ДАН

1

Коракүзим, сени севиб қолдимми?
Сўрайман ўзимдан ёлвориб, тониб.
Қушдайин қўлларинг тутиб олдимми?
Ишкинг словида чарсиллаб ёниб.
Букун қаён бошлар севги кўчаси,
Балки айрилиkdir, фироқ бешафқат!
Қора тўрин тортмай умрим кечаси,
Мени ўлдиради энди муҳаббат.

2

Букун, қоракүзим, сен-ла кўришдик,
Гўё икки кутб орасида жим.
О, гарчи ёнма-ён сухбатлар курдик,
Шодлик ғулларига тўлмади кўнглим.
Билмам, совукмиди сенинг сўзларинг,
Ё қалбимда ўчган муҳаббат ўти.
Ёхуд мени адo қилди кўзларинг,
Бунча оғир, чигал севги кисмати?!
Букун мен сўрайман ўзимдан ўзим,
Дунёга телбадай қарайман маъкос.
Наҳот, адo бўлар бўшлиқда сўзим?
Сен севги ё рўё, айтгил, коракўз?

Турсун Али

*Сокин
жайқирик*

"ҚАЙФУ" ДАН

Муштдек юрагимга сиқкан құпіча,
Қаёққа кетдинг?
Сен,
Шу улкан,
Шу бадбахт шаҳарға
Сиғмаган бўлсанг,
Наҳот?!

РУҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

1

Соҳил.
Илон каби тўлғаниб
Харсангларга бош уради сув.
Овози шу қадар нолон,
Менинг синик товушимга ўхшаб кетар у.

2

Кўнглим дунёсин кезар маломат,
Атрофимда кора тўнли сукунат.
Оҳ, қайдасан, шодлик?
Менинг овозим
Дунё қаърига сингиб кетаётир.

Эски дафтиғдан

“СОФИНЧ ТАШБИХЛАРИ”ДАН

1

Бу кеч Ой билан ёлғиз
Сенинг йўлларингта кўз тикдим.
Сен келмадинг,
Ой каби ёнди
Юрагим тун бўйи ловуллаб.

2

Шу қадар соғиндим сени!
Йиглайин дейман-у, йиглай олмайман!
Кулайин дейман-у, кула олмайман!
Куйлай дейман-у, куйлай олмайман,
Нима бўлди менга?
Кўксимда юрагим бормикан омон?

3

Ёлғизим,
Изларингдан шамол бўлиб елсам,
Шамол бўлиб силасам соchlаринг.
Етишсам висолингта шамол бўлиб гар,
Умрим бўйи шамол бўлай, майлига!

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

“ЮРАГИМНИНГ ТОВУШИ”ДАН

Недир дегим келди сенга,
Севаман дейманми, билмайман?
Бунчалар ёқмасанг дейманми, олов?

Севгилим шу қадар бокира,
Ул тунлар
Ой япроғида ухлар маъсума.

Соринаман сени:
Бағрида Ой киқирлаётган
Бошида офтоб чараклаётган Аёл.

О, соchlаринг ёнаётган аланга,
Чирсиллатиб ёқди-ку
Менинг юрагимни.

Тун қучогига ташлаб кетдим сени,
Қайга кетдим, билмасман ўзим.
Сен-чи,
Қаерда қолдинг?

Сен йўқсан,
Сен йўқсан ёнимда!
Хавотирнинг уйида
Тунларим оқарап,
Кунларим кораяр.

Кеч оқшом оҳиста кора түн кияр,
Анҳор бўйи совуқ, жунжикар таним.
Сени қайноқ бўсаларга кўмгим келди.
Бироқ,
Тирик армонларим сувга чўкиб кетди.

Эски дағтағдан

ОҚТОЙ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Бир итим бор эди, эслайман ҳамон...
Олиб келган эди бизларга уни
Отамнинг тенгқури тоғлик бир чўпон —
Кўзи очилмаган кучукча эди.

Кўлларимдан овқат ерди бехадик,
Қайга борсам елар эди ортимдан.
Бизлар бирга ўйнаб, бирга қувнардик,
Баъзан мен чопардим унинг ортидан.

Оқтой бир ит бўлди, оёғи узун,
Ёш, чайир гавдаси қувватга тўлди.
Аммо қўчамиизда кимлардир у кун
Қалблари ҳасадга лиммо-лим бўлди.

Ховлимиизда эркин юрар эди у,
Занжир солмас эдик сира бўйнига.
Оқтой ҳеч кимсани қопмас эди-ю,
Бирок йўлатмасди ўзгани уйга.

Бир кеча, эсимда, хурди узок,
Зириллади ҳатто деразалар ҳам.
Бир зум ўтмай тинди овози,
Бирок юрагимни эзib ув тортди бирам.

Шошиб борган эдим Оқтой олдига,
Менга боқар эди кўзлари маъюс.
Тун бағрига кирди кимдир корайиб,
Билмадим ким эди... (Билмайман хануз).

Шу кеча сўнгги бор улиди Оқтой,
Тоғларга термулди, кўзларида мунг.
Ё ёдига тушган у туғилган жой,
Ё бўри кўринган кўзига унинг...

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

Тонгда дарак берди таниш йўловчи
Тоғ йўлида Оқтой ўлиб ётганин.
Игна кўшилган нон деди лунжида,
Ва айтди изида қонлар қотганин.

Гоҳи узун тунлар бағрим ингранар,
Кўзимга кўринар Оқтой дамо-дам.
Менинг ҳам руҳимга санчар игналар
Қора тун қаърига яширган одам...

БОЛАЛИК ТОВУШИ

Болалигим кечган кўча ёқалаб ариқ оқади. Ариқ лабида осмон билан сирлашаёттандай, сервиқор жийда тебранур... Ўралар сувларни ютгани каби, жийданни йиллар ютиб кетди. Бу кун ўша жийдадай кексайиб бормоқда умрим дарахти. Бу узун умрим ичра ўшал жийдадай дарахтни кўрмадим сира. Букун тушларимга аждодларим эккан ўша жийда киради. О, бунчалар яқин, бунчалар ойдин болалигим ўлкасидаги жийда.

1

Бу кун хаёлимнинг ям-яшил диёрида
Күёшни опичлаб келаман дея
Уфқ сари қанот қилиб қўлларин,
Чангитиб тупроқли кўчани
Ялангоёқ чопаётир болалигим.

2

Тунлари қулоғим остида
Хайқириб уйғотар уйқудан,
Болалигимнинг безавол товуши.

*Деки
дафтағдан*

3

Тушимда бир күшчани күрдим
Шовуллаган терак шохидан
Үйнар эди озод ва эркин.
Сахар пайти ёдимга түшди
Олис болалигим, Куба боғлари.

ҚУШЧАНИНГ САСЛАРИ

1

Кариган дарахт елкасида
Үлтирад парихон қүшча.
Шундок нарида эса,
Чорлаб туради уни —
Гуркираган дарахт.

2

Куз кечаси.
Мени уйғотиб юборди.
Деразам ортидаги
Ёлғиз дарахтнинг
Синик товуши.

3

Шундок ёигинамдан
Келаарди унинг нафаси.
О, кандай нафис,
Кандай хүшбүй,
Кандай гүзал эди у нафас.

Турсун Али

*Сокин
жайқирик*

4

Кундуз күёш нуридан
Уйғонади куртак.
Тунда ой,
Юлдузларнинг харир нафасидан
Чирой олар у.

5

Оқ отнинг кўэлари маъюс,
Нимадир бўлган.
Ёхуд нимадир бўлиши муқаррар.
Оҳ, у сўзлана олсайди,
Қадамларидай янгрок...

6

Йўл юраман, йўл узун,
Ҳавода тишларин қайраб,
Изгийди йиртқич совук.
Бутун борлиғимни куйдирав
Кўксимда гувиллаётган оловнинг тили.

7

Олапарнинг кўэларидан ёш оқар,
Тилига уй курган сукунат.
Узоқларга мажолсиз боқар.
Энди узун думини
Қандай кўтарар кари гавдаси?

Эски дағтағдан

8

Бу ер мунча зерикарли,
Чарчаб толди күзларим,
Чарчади рухим оёклари.
Кегаман энди,
Бошим оққан томонларга,
Балки сени топарман, балки...

9

Қарғалар келди,
Қанотларидан
Кор хиди уфурар.
Чүзик товушларидан
Аччик кор ёға бошлар.

10

Дардларимни булокка айтсам,
У шивирлаб деди:
«Бери кел,
нечун күрмайсан,
күзимдан оқаётган ёшларни?..»

11

Мен қаёкка кетяпман,
Үзим ҳам билмайман.
Атроғимда ўрмалар туман.
Алағда юрагимда
Уйғонмоқда қуёш.

Түрсун Али

Сокин хайқирик

12

Жуда кеч уйғондим.
Сувга чўккан
Харсанг тош каби,
Кўзларим очик ухлабман
Елаётган вакт аравасида.

13

Қуёшга тикиламан узок,
Ойга тикиламан уйғоқ,
Бироқ
Сенга тикилсам
Юрагимда уйғонар чақмоқ.

14

Сени кўрмаганимга,
Оҳ, не замонлар бўлди.
Нахот,
Энди ҳувуллаб колар бир умр
Дийдор йўли.

15

Жоним,
Лабларингдан симиридим
Мухаббат майнин.
Ў, қандай ширин, қандай тотли,
Қалбимда барг ёзди умрим баҳори.

Эсқи дағтағдаң

• • •

Аччик армонларни қолдириб ортда,
Хам умид отлари сачратиб учкун,
Қиши капалакларин пар қанотида
Янги йил келмокда,
дүйстларим, бу кун.

Офтоб ҳам сочмаган кумуш нурини
Мармардай булутлар қаъридан беун.
Бироқ күзларимда шуъла шуури,
Янги йил келмокда,
дүйстларим, бу кун.

Чароғон хаёллар қўйнига шўниб,
Салмоқлаб кўраман кунларим, дуркун,
Қалбим кувончларга қолар кўмилиб,
Янги йил келмокда,
дүйстларим, бу кун.

Тирик орзуларим дунёси томон
Бағримдан отилар оташин учкун.
Кўксим оқ ҳисларга тўлади бу он,
Янги йил келмокда,
дүйстларим, бу кун.

Турсун Али

Сокин
хайқирик

ТИЛАК

Гафуржон акага

Букун, оға, эллик ёшдасиз,
Эллик ёшда бу қадим дунё!
Ёнаёттан Ой эллик ёшда,
У эллик йил сочгайдир зиё.

Йўлингизни ёритган қуёш,
Букун у ҳам элликка тўлгай!
Тегрангизда дўст-ёрлар қатор,
Уларга ҳам эллик ёш бўлгай.

Букун, оға, эллик ёшдасиз,
Эллик ёшда бу қадим дунё!
Эллик ёшлик умр дарахтингиз
Завол кўрмай ўссин, илоё!

“ҲАЯЖОН СУВРАТЛАРИ”ДАН

Тонг, ҳавас қиласман сенга.
Хар кун қувасан Тунни
Ҳам Қуёшни келасан бошлаб.

Чўғ каби танамни куйдирап,
Зулукдай сўради қонимни
Дилимдан қоғозга тушмаган Сўз!

Бир Сўзниң чандик бадани,
Ёйдайин қомати
Ханжардай тиғлади кўксимни.

*Мұтағжили
дағтарыдан*



Турсун Али

Сокин
хайқирик

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ШЕҮРИЯТИ

Замонавий шеъриятда “пейзаж поэзияси” ёки “табиат лирикаси” деб аталувчи тушунча Қадимги Хитойда “Төрлар ва сувлар шеърияти” ёхуд “Боғлар ва далалар шеърияти” номлари билан маълум ҳам машхур бўлган. Хитойликлар учун шеърият ҳамиша юрак садоси бўлиб янграмоғи зарур. Ранг-баранг гуллар очилади, шоир юрагида шеър туғилади, бироқ бу ходисалар манбаи битта: Замон ва маконда ҳамма нарса “Буюк Дао” ритмига бўйсунган ҳолда уйғун ҳаракатланади.

Табиат гўзаллигига шайдолик хитойлик учун абадий илҳом манбаидир. “Иил фасллари ортидан чопдим ва оҳ чекиб юбордим бирдан: воҳ, кетиб қолаётир! Зулматга тикилдим, табиат зулматига ва ўйлаб қолдим шунда: воҳ, бунчалар қуюқ бу зулмат! Кеч кузда тўкилган япроқла-рига боқиб қайғурдим: Нозик куртакларни севгандим ба-хорда! Энди юрагимни тиғлар зарб устига зарб, хис кила бошлайман захил совукни”, деб ёзди милодий III асрда яшаган машхур шоир Лу Цзи.

Табиат билан мулоқот шоир юрагидаги хислар дарв-засини ланг очиб юборган. Шоир тоққа чиққанида фоний дунё узра кўтарилиган, ўзи ўткинчи дунё ҳою ҳаваслари-дан устун эканини сезган. Ёлғиз дараҳт билан яккама-якка қолиб, ўзини дараҳт билан қон-қардош сезган, дараҳт билан ҳамфикр хис этган. Ушбу хусусиятлар Қадимги Хитой шеърияти эстетик тамойилларини белгилайди. Бу шеъриятта Кўхна Дао фалсафаси сингиб кетган.

Кўйида биз таржима қилган шеърлар III—VI асрларда ва VII—X асрларда яшаган шоирлар қаламига мансуб. Умидворманки, ушбу шеърлар бугунги кун ўқув-чиси учун ҳам қадрли. Чунки, замонлар ўтади, туйғу ва руҳ ҳеч қачон қаримайди.

“Хитой пейзаж шеърияти”дан танлаб олинган шеърлар таржималари ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

Мұтағжим дағтағидан

ЛЮ ЧЖЕН

III—VI асрлар
Олты сұлола даври

"Амакиевачамга багишлайман" түркүмидан

* * *

Қарағай* тебранар
Қояда ёлғиэ,
Далада шамоллар эсар шитоб, тез.
Накадар
Қаҳрли увуллар довул,
Синдиromoқчи бўлар
Қарағайни ул!
Қиши келар,
Бешафқат киров ҳам, муз ҳам,
Қарағай барига чидайди бардам.
У писанд қилмайди аёзни нечун?
Қарағай сарв,
Кучли бўлгани учун!

* *Қарағай* — Қарағай ва сарв образы қадимги Хитой шеъриятида кўп учрайди. Иродда, руҳий баркарорлик, узок яшаш на умрзоклик рамзи хисобланади.

Турсун Али

*Сокиң
хайқырик*

СЕ АН

Настарин чорбояи

Қадимги донолар
давридагидек
Бизлар ҳам
навбаҳор сайри истадик.
Кирлар, адиirlарга
талпинди юрак,
Бойчечак қидирдик,
лола изладик.

Дарахтлар осмонга
бүй чўэди бирга,
Яйловлар тўшалди
ялангоч ерга^{*}.
Булутлар ўрлади
кўкка тутундек,
Пилдираб музларни
эритди жилға.

* * *

Фаровон кунларга
айлаб шукронга,
Ёнма-ён ўтиридик
жам бўлиб яна.
Осмонни тўлдириб
булутлар кўчди,
Шамол қанотлари
қайикни кучди.

* «Дарахтлар осмонга бўй чўэди бирга, Яйловлар тўшалди ялангоч ерга»: Ушбу сатрда хавасларига берилган, нафс ботқоғига ботган, кўнгли кир худбин кимсалар карама-карши кўйилиб тасвирланган.

Мұтағжиси дағтаридан

Чорбоңда биз
шароб ичиб қувондик,
Буюк Фу Си ҳамда
мұхтарам Тан¹ дек.
Дүнёда ҳамманинг
қисмати бирдир —
Хоҳ гүдак боладир,
хоҳ кари чолдир.

ГУ КАЙЧЖИ

Йилнинг түрт фасли

Баҳор ёмғиридан
күл түлди лим-лим,
Ёзниң төгларида
ажиб сукунат.
Кузги түлин ойдан
нур ёғди сим-сим,
Кишида қарағайлар
яшнагай фақат.

* Буюк Фу Си ҳамда мұхтарам Тан: *Fu Si* — афсонавий қаҳрамон. Хитойликларниң аждодларига оқыт піширишни, түр билән балик овлашни ўргаттан, никох қоidalарини, мусиқий үйғунлик конунини капиғ эттан. Хитой ёзуига иероглиф хатини жорий эттан. Чэн Тан — Тан Ин династияси (милоддан аввалги 1728—1698 йилларда хукмронлик қилған) асосчысы. Афсоналарга күра, Тан даврида мис қазиб олинған ва қайта ишлов берилганды.

Етти йиллик құрюқчиликда Тан ўзини курбонликка келтирмокчи бўлган.

Турсун Али

Сокин
хайқирик

СЕ ЛИНГЮН

Умрнинг уфки

Юрагимда қайғу,
уйкум келмайди.
Уйку ҳам қуволмас
ғамимни ҳаргиз!
Ойнинг ёғудусида
қор ялтирайди,
Совук шамол эсар
ёввойи, ёвуз.
Вақт жуда тез ўтар —
кутмайди асло,
Умримнинг уфқига
ботаман аста...

БАО ЧЖАО

Қаландар Сюга жавобим

Кишлоқда гуручдан
олишар шароб.
Хризантема гулларин
күмди қалин ўт.
Хархолда дилларда
эзгулик сероб!
Қани, хей, хўжайин,
бизларга май тут!
Нифрет қадаҳларга
май қўйма ҳеч ҳам:
Куз қуёши ором
бахш этар жонга.
Олтиндан ясалган
қимматбаҳо жом
Мехр бера олмас
бадбаҳт инсонга.

Мұтазжыл дағтағициән

“Қадимга тақлид” туркумидан

Күлда сув ўтлари
сарғаймас ҳамон,
Фозлар учиб кетди
жанубга томон.
Күзги чирилдоклар
музыка чалар,
Тунда сочин ёяр
ёлғиз аёллар.
Уйларига қайтган
навкарлардан мен
Сўрадим, нечуксан,
ёрижоним сен.
Узоқ чегарада
жанг кетар ҳамон,
Оғир хўрсинаман
бокиб шарқ томон.
Белимнинг бофичи
кенг бўлиб кетди,
Юзим сўлди,
хижрон жонимдан ўтди.
Шум толеим бунча
аччик ва тахир,
Тун чўзилган сайин
ўртанар бағир.
Сандикчамда кўзгум
чанг босиб қолди,
Цин^{*} узра тортанак
ошиён солди.

* Цин – қонунсимон қадими музика асбоби. Одатда беш ёки етти торли бўлиб, торларини тепага қаратиб, тиззага қўйиб чалинган. Қадимда ва ўрта асрларда ушбу чолғу Хитойда жуда оммавий бўлган. Бу чолруни кўпинча аёллар чалган.

Турсун Али

Сокиң
хайқириқ

* * *

Хон мулкида ажойиб
тоғлар тизмаси бордир.
Чўқкиларнинг бошлари
кўкка етган, сервиқор.
Күёшга терс қоялар
саратонда ҳам қордир,
Гулшан водийлар ҳусни
кузда ҳам мисли баҳор.
Тонгда кўрдим булатлар
чўккилар аро парқу,
Тун-кечалар тинмайди
маймунлар қичкириғи.
Йўл азобин чекяпман
ўртар мени ғам-қайғу,
Юрагимда жароҳат,
бедаво дард оғриғи.
Шийлончада май бериб,
мехмон қилсинлар мани,
Висолингни соғинсам
май ичаман атайин.
Иродамиз тош каби
каттиқ бўлсайди қани,
Феълимиэз ипак мисол
бўлсайди юмшок, майнин.

Мұтағжали дағтағициан

ЛУ КАЙ

Е Фанга тухфа этилган шеър

Почтачига тутқазаман
гуллаган бутоқ —
Олисдаги дүстимга бу
бўлсин хушхабар.
Ў Цзяннан^{*} совуига
кўниккан, бирок
Гуллаган бутоқ унга
келтиргай баҳор.

ШЭН ЮЭ

Балиқ ови

Гул ортилган қайикда
Гулдек жонон икковлон,
Олиста сузиб кетдик,
Дарё тўлқини — илон...
Нилуфар илдизига
Кармоқ илиниб қолди,
Ёввойи ўрдакларни
Биз чўчитиб юбордик.
Оҳиста қош қорайди,
Кучди мени жонона —
Икков муродга етдик
Балиқ ови баҳона.

* Цзяннан — кенг маънода Янцзи дарёсидан бошлиб жанубга ястанган вилоят. Шеър матнидан келиб чиккан мазмунга караганда, шоирнинг олисдаги дўсти Е Фан ўша пайтда қайсиидир шимолий ўлкада бўлган. Она юртининг гуллаган бутоғи унга баҳор элтади ва ватанини эслатади.

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

Құшни қизни үйлайман,
АММО У КЕЛМАЙДИ

Оқшом чўқди,
ой қалқиб кетди,
Пайхон қилди
гулларни шамол.
Хажр азоби
жонимдан ўтди,
У қиз энди
келмас, әхтимол...
Келмаслигин
биламан, аммо —
Кулгим келиб,
йиғлайман, оббо...

КУН ЧЖИГҮЙ

Хаёт

Тик қоя юксалган
осмонга кадар,
Күёш нурин тўсар
калин ўрмонзор.
Чўқкилар бағрига
келмайди кўклам,
Тоғ бошидан
корлар кетмас ёзда ҳам.

Мұтағжын дағтағиудан

СЕ ТЯО

Шаҳзода саёхати

Яйловлар ям-яшил
ипак кийдилар,
Дарахтлар шохига
қизил гул тақди.
“Нега келмадинг?” деб
ёримга айтманг,
У келгунча бөгнинг
зийнати қолмас.

ХЕ СЮН

Бояда

Дарвозалар қүшдек
қанот қоқади,
Тинимсиз ғийқиллаб
куйлар даричалар.
Тошйүлда тақиллар
нозик бошмоқлар,
Бамбукзорда яшнар
ипак либослар.

Турсун Али

*Сокиң
жайқырик*

БАҲОР ШАМОЛИНИ КУЙЛАЙМАН

Уни хамма эшитар,
аммо ҳеч ким кўрмайди,
Баъзида оч йиртқичдир,
баъзан ипакдек майин.
Баъзан ойнага бокиб,
упа сепар юзига,
Фунча лабидан ўпиб
тарқатади хуш бўйин.

VII–X аср шеъриятидан
Тан сулоласи даври

ВЭЙ ИНУ

* * *

Сомон йўли,
Сомон йўли
Ёришмасдан аввал оппоқ тонг
Нур ёғдириб турар
Кузги шаҳарга.

Ёлғизоёқ йўлдан тоқقا чиқаман
Ва кўкка боқаман
Сенинг висолингнинг оразуси ила.
Тақозоси билан икки тарафга
Ажратиб юборди
Бизларни тақдир.

Бизларни ажратди,
Бизни ажратди...
Сомон йўли порлаб
турар осмонда
Аммо икковимиз
учрашар йўл йўқ!

«Сокин хайқириқ» жарангиги

“СОКИН ҲАЙҚИРИҚ” ЖАРАНГИ

Адабиёт майдонида юрган ижодкор ёзгани кўпчилик томонидан эътироф этилишини, китобхонлар кўнглини ром қилишини истайди. Бунга эса биргина хоҳиш-истакнинг ўзи билан эришиш мумкин эмас.

Кўнгилларга йўл топишнинг икки шарти бор: Истевдод ва Самимилик. Ҳеч нарса истевдодчалик сўзга сехр, куч, мусиқа бағишлий олмайди, ҳеч нарса самимиятчалик одамни ўзига ром эта билмайди. Турсун Али қаламидан йўғрилган, хозир ўкиб чикканингиз “Сокин хайқириқ” тўплами ана шу икки шартга жавоб беради.

Китобни ёлиб кўйишингиз билан мутолаа тугамаганинги, энди бошланадиганини сезиб қоласиз, бир неча кун сехридан қутула олмайсиз, сатрлар хаёлингизда чарх уради, қалбингизда ажиб бир кўтаринкилик туясиз:

*Деразам қанотин ёзиб қўйдим,
Хиди кирсинге дея
Голос гулларин*

сатрларини ўкиётиб димогингизга гуллаган голос дарахтинг тар, нафис бўйи ургандек бўлади, бошингиз енгил айланиб кетади: Кўклам! Дераза тавакалари шоир наздидаги қанотларини ёзиб, учишга шай турган куш. Учипга эмас, йўқ, баҳорни қаршилашга, уйғонаётган табиат гўзалликларини бағрига босишга интиқ куш...

*Кучоинг бунчалар гўзал,
Ўлиб ҳам
Тирилиш мумкин бемалол.*

Факат тушунилган, хис қилингандар дамдагина асл нарсанинг гўзаллиги намоён бўлади. Англанилмаган гўзаллик қийматсиз сармоядир. Кучоқ асли унчалар гўзал

Турсун Али

Сокиң
хайқирик

бўлмаслиги, бошқа одамда бундай туйғуларни уйғотмаслиги мумкин. Шоирнинг гўзалликни хис қилиш, ҳайратланиш, эътироф этиш туйғуси шу қадар юксак ва ўткирки, муаллифни ўлдириб тирилтираётир.

Олдимда тўлиқиб гуллар кунларим,
Барг ёзар сомондай сариқ бояларим.
Фараҳбахш бўлар қора тунларим,
Ёришиб кетгуси кўнгил чирогим.

Кунлар гуллаши ифодасининг ўзи ғалати. Гуллаш жарёни тўлиқ кечиши эса шеърхонни ўйлантириб қўяди. “Тўлиқиб” тўлиб-тошиб дегани. Баҳор пайтида мевали дарахтлар гуллашини кўз олдингизга келтиинг: кўпчиб турган булатуга, улкан гулдастага ўхшайди. Атроф фақат гуллардан иборатдай туюлади. Шоирнинг мудрок аралаш ўтаётган кунлари бир сабаб билан кескин ўзгарди, унга оппоқ ранг, тоза туйғу, баҳор нафаси, жонланиш кирди. “Олдимда” сўзи ҳам ёруғ келажакка ишончни, ҳам шоир ўз ҳаётини четдан туриб кузатаётганлигини билдиради. “Қора тун” эса шеъриятда кўпроқ ғам-қайғу белгиси сифатида қўлланади. Келажак ўша яхши кунлар, ҳатто қора тунларни ҳам қувончга тўлдириб юборади.

Турсун Али ижодида Инсон ва Табиат бир-бирига бириккан ҳолда келади, Табиат Инсон тасвирини яратишга хизмат қиласи. “Кекса тут шохларига ўхшаган қўллари-ла” дейди шоир “Шўрлик энам” шеърида. Кўз олдингизда дархол йиллар ўз муҳрини босган тарамтарам чизиқли меҳнаткаш қўллар гавдаланади. Ундаги қадоқлар, бўртиб турган томирлар хунук кўринмайди, аксинча, кўнгилда унга нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Чунки “кекса тут шохи”га ўхшаган қўлларда меҳр бор. Букик гавдали, қотма, аммо чайир, ҳамиша куймаланиб юрадиган кекса Кайвони ва баргиз, мевасиз курушқоқ

«Сөнин ҳайқирик» жаранги

шохларини осмонга чўзиб турган, ўзи эса тобора ер ба-
фирлаб бораётган Тут дараҳти...

Кўпчилик ижодкорлар бир умр болалигини сатрлар-
га тизади, шеърга солади. Шоирнинг чин табиати эса,
аслида, болалиқдан маҳрум бўлади. Ҳаёлчан, ҳассос, тарь-
сиран бола вактини тенгкурлари билан, аммо улардан
бошқача ўтказади. Шунданми, унинг дўстлари шилдираб
окаётган ариқ, барра майса, қўшқулок ялпиз, оёққа бо-
тадиган, аммо кузатганда бетакрорлиги намоён бўлади-
ган чағир тошлар... Бола сув бўйида ўсиб ётган мажнун-
толга суюнганча хаёл суради. Мажнун новдалари енгил
шамолда юзларини сийпалайди, яшил барглари димоги-
ни қитиклайди, улардан чиқсан шовур шивирга ўхшаб
кетади. Сирлашаётган одамнинг овози, атрофида ҳеч
ким бўлмаса-да, пасайиб, шивирлашга айланиб кетади.
Мажнунтол ҳам шоир билан шивирлаб сирланади, сир-
лашиб шивирлайди.

Турсун Али бутун Борлик инсонда жамлиги ва унга
хизмат қилишини англайди. Инсон ва табиат — яхлит ву-
жуд. Шоир руҳига табиат чизган манзарани бузмаган ҳолда
сўзга кўчиради, тасвир чизади, ранг беради. Айтмоқчи
бўлган нарсасини ўқувчи кўз ўнгига келтириб кўяди:

*У аргимчоқ учәёттир қанотлари кесилган қушдай
талпина-талпина...*

Аргимчоқ учганимисиз ё аргимчоқ учәётган одамни
кузатганимисиз ҳеч? Кўллари билан арқонни чанглаб-
олган ва тиззаларини букиб гавдасини олдинга ташла-
ганча аргимчоқни харакатга келтираётган бола, дарха-
қиқат, учишга интилаётган полапонни эслатади. Кўллар-
нинг бутун узунлиги эмас, тирсакдан букилганча ар-
қонни ушлаб туриши эса кесилган қанотларга ўхшайди.

Турсун Али

*Сокиң
хаўқирик*

Таникли адабиётшунос Эспен Ховардсхолм: “Поэзия воқеликка тақлид қилиш эмас ёки воқеликнинг тафсири ҳам эмас, поэзия ўз-ўзича воқеликдир, воқелик бўлганда ҳам амалдаги воқеликдан ортиқроқ дараҷадаги воқеликдир... Яхши асар китобхон шуурида портлайдиган бир бўлак сиқиқ воқеликдир”, деган экан. Турсун Али шеърлари ҳам ҳаётнинг акси эмас, ҳар бири алоҳида воқелик, ўзига хос ҳаётнинг ўзиdir:

*Мен
энди яшайман:
юрагимда — яра,
бошларимда — қиров,
кўзларимда — тун...*

Юрак яра — қон (қизил ранг), бошлар қиров — соч оқарган (оқ ранг), кўзларда тун — қорачик (кора ранг). Кўзлардаги тун ғам ва уйкусизликни билдиради: бутун кунни юракдаги оғриқ билан ўтказган шоир тунни ҳам бедор ўтказишга маҳкум, шу боис тун атрофда, табиатда эмас, унинг кўзларида. Улардан ёруғ кун, ёрқин ранглар, чараклаган қўёш акс этмайди. Атроф ҳам худди шоир кўзи ва кўнгли каби коронгуликдан иборат. Юракдаги яра нимадан бўлиши мумкин? Балки жавобсиз мухаббат, балки алданиш, балки хиёнат туфайидир... Умрнинг гул даври ўтган, соchlарга оқ оралаган, э бор-е, деб кўл силтайдиган, ҳаётдан кўл ювиб, кўлтиққа урадиган пайтда шоир ички қайсарлик билан “Мен энди яшайман” дейди. Унинг учун юракда ярасиз, дардсиз яшаш ҳаёт эмас. Дарднинг борлиги, одамларни ҳис этиш олам манзарасини ўзгартиради — мудроқ кўнгил жонланади.

Турсун Али шеърлари ҳар сафар ўқилганда ўзгача таассурот уйғотади. Зотан, уларда тасвирланган кайфият

«Сөгүн жайкирик»

жазғанғы

жонли, барчам изга таниш. Бошингиздан кечган ходиса-ни ҳар сафар янги тафсилотлари билан эслатанингиз ва таъсиранганингиз каби уларни ҳам янги ташналик билан ўқийсиз, қайтадан таъсиранасиз:

*Шу қадар согиндим сени!
Йиглаин дейман-у, йиглаи олмайман...
Кулаин дейман-у,
Кула олмайман...*

Софинч ҳаммамизга хос, бироз аччик, бироз шириң түйрү. Унинг таркиби ноаниқ: ўрташлари, қондириш қиинлиги билан аччик, масъудлиги билан шириң. Шоир ҳам соғинди. Кимни ё нимани эмас, айнан түйғуни соғинди. Фироқ ёки висол қалбида уйғотган ҳисларни, кўнглини жунбушга келтирган кечинмаларни яна түйгиси келди. Йиғлаши керак эди, аммо бу фироқ унга унтуилмас лаҳзаларни, гўзал сатрларни инъом айлади. Кулиши, кувониши лозим эди, висол яқин, лекин у ҳолда кўнгилда дард колмайди. Шоирлик эса даррдан сув ичади.

Турсун Али барча қўллайдиган оддий сўзлар замирига ўзгача жозиба, сехрли қудрат, ёқимли оҳанг жо этишга уринади. Шеърдаги хар бир сўз изтироб меваси бўлиши, кўнглида кечайтган кечинмани имкон қадар аникроқ ифодалави учун шоир сўз устида қаттиқ ишлайди:

*Бугдойдай янчилган юрагидан
сўз чиқар ундаи эланиб-эланиб.*

Буғдой ун ҳолига келиши учун тегирмон тошлари орасида эзив-янчилади. Ун кепак, тош каби ортиқча нарсалардан тозалаш мақсадида эланади. Буғдой ун бўлгунча қанча азобланса, шоир ҳам юракдаги хисларини сўзга эвиргунча шунча изтироб чекади. Нимадандир сиқилаёт-

Турсун Али

Сокиң
хайқирик

ган юрагини шоир тегирмоннинг икки тоши орасида эзи-либ, унга айланаётган буғдойга ўхшатади. Шунча азоблар эвазига бўлса-да, шоир сўз айтиш имконини қўлдан бой бергиси келмайди:

*Чўг каби танамни куйдирап,
Зулукдай сўради қонимни
Дилимдан қогозга тушмаган Сўз!*

Шеър битиш факат неъмат эмас, ўзига яраша кий-ноқлари, оғир масъулияти бор. Уларга дош бера олган истеъдодгина шоирлик даъвосини қилишга ҳақли. Шоирлик хаёлига келган ҳар нарсани, дилидан ўтган барча фикрни, туйган кечинмаларни колдирмай қоюзга тушириш дегани эмас. Бажарилиши лозим бўлган талаблари мавжуд барча соҳадаги каби. Фарқи: бу талаб ва меъёрлар хар бир ижодкорда алоҳида бўлади. Шу меъёрларга биноан баъзи туйғулар очик тасвиранади, баъзила-рига эса ишора қилинади:

*Дилимда сўзлар кўп,
айримларини
занжирлаб қўйган тил.*

Шу билан бирга, шоирнинг бу меъёрлари ўзгармас ҳам эмас. Ҳар қандай қолип, ҳатто у ўзиники бўлса ҳам, шоир руҳининг эркин парвозига ҳалақит бериши мумкин. Колипга солинган шеър кўнгилдагидек чиқмаслиги, жозибасини йўқотиши, чин туйғунинг ёлғон ифодси-га айланиши мумкин. Шоирнинг “Оҳу? Мен телбами? Е... Оҳ, у!” сатрларida туйғу самимиyllиги, атай ўйлаб ясалган жимжималар йўқлигини кўриш мумкин.

Турсун Али ташки эффектларга, фавқулодда тажри-баларга ўч эмас. У деярли барча учраттан ҳолатларни

«Сокиң хайкирик» жыланги

эътиборсизлик чангидан тозалаб күрсата олади. Шу боис ўкувчи унинг шеърлари билан танишгач: “Ие, буни мен ҳам билардим-у, нега эътибор қилмаган эканман? Шу холат менинг ҳам бошимдан кечганди-ю, қандай таърифлашни билмаган эдим”, дея ажабланади.

*Кор қовургасин қарсиллатиб
даражатзор оралаб кезаман.*

Ҳамма ҳам корли йўлдан юрган, оёқ остида кор ғирчиллаши кишига ўзгача завқ, кайфият баҳш этишини ҳам билади. Каттиқ совук тушиб, кор юзи музлаган кезларда унинг ғирчиллаши қовурғалар қарсиллаб синишига ўхшаши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Учала сўзининг бир хид “к” ундоши билан бошлангани ва, айниқса, “қарсиллатиб” сўзи шеърга шиддат бағишлияди. Кейинги мисолда ҳам барча маълум қиши манзараси шоирда бошқаларникига ўхшамаган кайфият уйғотганига гувоҳ бўламиш:

*Қиши. Корли сўқмоқ.
Оҳ, қандай оғир
Бирорвнинг изидан юрмоқ.*

Шиддат устунлик қилмаган бу шеърда аввал “Қиши” дея замондан, “Корли сўқмоқ” дея макондан хабар берилади. Иккинчи мисрада норозилик сезилади: “Оҳ, қандай оғир”. Учинчи мисрада эса бунинг сабаби аниқ бўлади: Корли сўқмоқда шоирга довур юриб бўлингган ва ҳамиша ўз йўли бўлишига интиладиган одам бу ҳолдан инжийди. Аслида, калин қорда бирор солған издан юриш кўпчилик томонидан маъқул кўринади. Кўпчиликка ўхшамаган лирик қаҳрамон эса бошқача.

Турсун Али кўз билан кўриб, кўл билан тутиб бўлмай-

Турсун Али

*Сокиң
хайқирик*

диган ҳолатларни моддийлаштиришга, уларга бадиий юк ортишга уринади:

*Күмилади күрпага таним,
рухим кезар
тун ичра бедор.*

Уйқу — ярим ўлим, дейдилар. Шоир рухи уйқудан, ғафлатдан чўчийди, ундан кочади. Негаки рух ерга алоқадор эмас, у илоҳий моҳиятга эга. Ерга тегишли жисм ором олаётган маҳалда рух бедор кезади. У гувоҳи бўлган, содир этган ҳодисалар бизда туш бўлиб кўринади. Кисқагина умрнинг деярли ярми уйқуга бағишланиши натижасида йиллар зумда ўтиб кетади, ёшлик кетиб, пирлик ҳам етиб қолади.

*Тун. Фаройиб товушдан уйгониб кетдим,
қарасам, боладай чирқираб кетиб боради
соchlари оқарган умрим.*

Бу шеърда ғафлатда ўтказилган умрнинг ўзигина эмас, ҳолати ва муносабати ҳам жонлантирилган. Бу хилдги шеърий ифода ижод тажрибасида камдан-кам учрайди. Деярли барча нарса айтилгандек, ҳамма қашфиётлар килиб бўлингандек туюлган шеъриятда астойдил изланган одам, барибир, кошифлик имконини топар экан.

Турсун Али табиат ёрдамида рух манзараларини чизганидай, кайфият ёрдамида табиат манзараларини ҳам яратади.

*Ойдин...
Чайқалар кўл.
Балогат
чўмилар
соchlарин ёйиб.*

«Сөнин ҳайқирик» жаранги

Тасвир ўзбек қизи ҳақида эканлиги ва тасвиричининг хам ўзбеклиги дархол англашилади. Бўй етган ўзбек қизлари кундузи кўл ёки сой каби гавжум жойларда чўмилмайди, ҳамма уй-уйига кириб кетишини кутиб, қоронғида, хилват жойда сувга тушишади. “Ойдин” — тўлин ой ҳамма ёқни сутдай ёритиб турибди, атроф тинч, бутун борлик уйкуда. Фақат оғушидаги гўзалликка тоқат қила олмай жунбуша келган кўлгина ғалаён қиласиди, “чайкалади”. Чайқалган сув ой аксини парчалаб ташлади, қизнинг ёйилган соchlари уларни ўз домида тутиб, йўқолиб кетищдан асраб турибди.

Турсун Алиниң ушбу китобга кирган шеърларида ранг алоҳида бадиий вазифани бажаради дейиш мумкин. Айрим шеърларда у ёки бу ранг алоҳида тимсол даражасига кўтарилади. Баъзиларида эса, алоҳида тимсолга айланмаса-да, бутун асар руҳини белгилайди.

*Оловдай яшнасин, дея анорзор,
Қақшаган шохларга илиб қўйдим мен
Қалбим синиқларин — қип-қизил...*

Анор гуллари — истиробдан парчаланган юракнинг қип-қизил лахталарини эслатади. Келиб чиқиши Кувадан бўлган шоир болалиги машхур анорзорларда ўтган. Ҳаётга қараши, турмуш тарзи, тафаккур йўсуни шаклланишида уларнинг хам таъсири бор, албатта. Шу боис шоир озурда қалби парчаларини қақшаган анор шохларига илиб қўяди. Ҳар бир сўзнинг эстетик юк ташишига эътибор қилинг: “Қақшамоқ” қуrimоқдир, “Қил-қизиллик” эса анор учун яшнаш белгиси. Ҳолбуки, одамга татбиқан қизиллик қонга беланганилик, яъни ўлимни англатиши мумкин эди. Анор танасининг қуруқлиги бошқа талкинга хам сабаб бўлади: бутун вужуди куриб бўлган, ҳаёт нишонаси фақат юракдагина қолган одам ва қақша-

Сокин хайқирик

ган шохларида юрак парчаларидай қип-қизил гул бодраб турган анор. Шоир ҳам, балки, ҳар бир новдага юраги-нинг бир парчасини бериш билан уларни жонлантиришига ахд қилгандир? Чеккан изтироби, балки, жисмни маҳв этиб, қалбини қиймалаган шоир ўзининг жисми ҳам руҳида куриб битган анор шохлари ва лахта қон мисоли гулларига мосликни кўргандир. Ўша гулларнинг мева тузиши чекилган изтиробларнинг бесамара эмаслигини билдирап? Ва ниҳоят, Юрак шаклида Анорга ўхшашлик борлиги ҳам чин.

Турсун Али шеърларини кутилмаган тасвиirlарга куришга интилмайди. Шеърларида ифода этилган дард ҳам, туйғу ҳам оддий, ҳар бир ўкувчига таниш. Жўн майший ашёларнинг оддий тасвиirlаридан келиб чиқадиган поэтик маъно кутилмаган ҳодисадир. Кафтларнинг соchlарни силаши, бармоқларнинг тароқ бўлиб соч тараши фавқулодда ҳодиса эмас. Бу ҳолат “О, жон дея ипак бармоқларинг кезар сочим ўрмонларида” тарзида ифодаланса, таним деталларнинг бундай нотаниш талқини ўкувчи бадиий завқини ҳам, тасвиirlинг таъсир даражасини ҳам неча баравар оширади. Ёш, бакувват, қалин соchlарнинг ўрмонга ўхшатилиши ипакдай майин бармоқларнинг поэтик функциясини ҳам ўзгартиради. Бундай эврилиш туфайли турли жониворлар макон тутган ўрмонда бирор ўлжа илинжи ёки шунчаки сайр иштиёқида юрган жониворлар жонига қасд қилган қудратга айланади. Балки, бармоқлар соҳибаси ўрмондай қалин соч эгаси ихтиёрини, қалбини, майлини ўзига бўйсундириб олмоқчидир. Жўнгина туюлган оддий майший деталлар анча эркин мулоҳазаларга озиқ беради.

Шоир фикр эркинлиги, харакат мустакиллиги туйғуларини қадрлайди. Бу ҳолни унинг қатор шеърларида кўриш мумкин.

«Сөкин хайқирик» *жаранги*

*Мен сенинг ортингдан эмас,
Соям ортидан
Юрмоқдаман дадил, мардона.*

Соя ортидан юриш тескарича илгарилашга сабаб бўла-ди. Яъни соя ортидан юриш учун олға эмас, орқага қадам ташлаш керак. Дадил, мардона юриш сабабларига келсак, бу йўлда хато қилиш, қоқилиш деярли имкон-сиз, чунки у босиб ўтилган.

Сўзни аяб ишлатадиган, ўқувчини аяб ёзадиган Тур-сун Али ижодида қуйидаги кутилмаган сатрлар ҳам уч-райдики, улар шоир истеъдодининг серқирра эканлиги-ни билдиради:

*Кўчглимни итларга талатдим,
Кўлимни кимларга узатдим?
Тангрим,
О!
Нимани тузатдим?!*

Бутун умр нималаргадир интилиб, қандайдир мақ-сад ўйлида жонини жабборга бериб яшаган одам бугун даҳшатда: ёшлиги, куч-куввати, орзулари, тинчлиги, кўнгил хотиржамлиги эвазига нимани қўлга киритди? Бой берган нарсаси кўпроқми ёки эришган ютугими? Манфаат илинжида шаъни-ю инсонийлигини “итларга та-латган”, тамаъ илинжида қай бир пасткашларга кўлини “узатган” киши хаётини тузатмоқчи бўлди. Нимани тузат-та олди?

Йўқотганлари ҳамон шоирни безовта килади, кўнгли-да оғриқ уйғотади.

*Деразамга қушчадай
ўзин ураг
олис муҳаббатнинг кўз ёшлари.*

Турсун Али

*Сокин
хайқирик*

Хали қанотлари чикмаган жишиш полапон мушукларга ем бўлиши, турли фалокатларга йўлиқиши осон. Жишлигидаёқ нобуд бўлган олис мухаббат ўшандай ожиз эди. У барбод бўлса хам, хотира — тирик. Шу боис лирик қаҳрамон хаёли деразасига кўзи ёшли мухаббат ҳимоясиз полапондек ўзини уради, унтишга имкон бермайди. Шоир улкан руҳий тўлғамлардан, покиза ҳиссиётлардан озиқланади, уни туйгулар, изтироблар, ҳаяжонлар бокади. Буларсиз у — заиф. Шоир кўнглини шаффоф дераза каби ўраб олган ғараз, тамаъ, бефарқлик ээгулик, гўзалликни ичкарига кўймайди. Улар хам деразага ўзини ураётган ожиз қушча сингари ҳалокатга маҳкум бўлади.

Хар қандай ижодкорни шеър ёзишга ундан турувчи бош омил туйфу, ўзига хос ифода усули ва оригинал тасаввурдир. Бусиз у шоир бўла олмайди. Кўлингиздаги "Сокин ҳайқирик" Турсун Алининг шу хислатларга эга шоир эканлигини кўрсатиб турибди. "Хитой классик шеърияти"дан бир ҳовучгина таржималар хам шоир билан таржимон шахсияти муштарак дамларда дунёга келган уйғунлик меваларидир. Умидимиз шуки, шоирнинг "Сокин ҳайқириги" бошқа шеърий товушлар орасида йўқолиб кетмагай.

Мұхәйє Йўлдошева,
филология фанлари номзоди.

Мундағызса

Хайратим күалари

Тегирмон	4
Муштипар онам	5
Шўрлик энам	6
Севги	7
Арғимчок	8
Ўрик	9
Хайрат	10
Кўшиқ	11
Бедорлик	12

Ўтаётган кунлар

Қисмат	14
Ўтинч	15
«Қайларга қочаяпсан»	16
«Бунчалар мъсумсан»	16
Хотирот	17
Муҳаммад Юсуф	18
“Чертилади ногоҳ дил деразаси”	18
Чинор	19
“Борлиққа қанотин ёзар тун куши”	20

Бахор чечаклари

Гуллаётган кунлар	22
“Дунё кўзларимда гуллай бошлади”	22
“Момақаймок, кўклъм элчиси”	23
“Каршимда тўлғониб оқади дарё”	23
“Кувам боғларин эслатсин дея”	24
“Кўзимда гўзал капалак”	24
“Шамол”	24
Гуллаётган боғ	25
Кизғалдокзор	28
Жийдалар гуллаган кеча	30

“Зумрад адиrlарга кетайлик, жоним”	31
“Олмалар гуллаган боylарда”	32
Зангори тунғулар	33
«Уйғонгин»	34

Бағримда күкарған севги

Бинафшадан-да гүзалим	36
Илоха	37
‘Оху’	38
“Сен олислардасан”	39
Кечә	40
“Бир окшом”	41
«Биламан»	41
Гүзal аәл	42
“Қайдасан”	43
“Сен шодон”	43
“Сен шу кадар гүзалсан”	43
“Севгилим”	44
Фаройиб туйгулар	45
Китобий ташbihлар	46
«Дунёга»	46

Токқа қараб сузаёттган қайнқ

Умид қайғи	48
Инангу	49
“Аәз”	50
“Учиб кетди күлдан ўрдаклар”	51
Умр	52
Ёз	52
Шодлик	52
Армон	53
“Шахар ёмғир остида”	53
Соя	54

Сарғарған фасл

Куз овози	56
Куз ранглари	59
Турнолар	61
Куз рухияти	62

Юрагимда яшәёттган қишлоқ

Толкүча	64
Болалигим ўсган уй	64
Арава	65

Она ёңғоқ	65
Анорзор	66
Эски мавзу	67
Болалик соринчи	68

Зангөр хүрснинк

Ёлриэлийк	70
“Уст-бошиг юпун”	71
“Тун күксин ханжардай чопиб”	71
Тагин күшлар ҳакида	72
“Күшчанинг хүрснини”	73
“Қайдасан?”	74
Чилла	74
“Үйимдан олисдаман”	75
Накуртда уч кечә-кундуз	76
Сокин хайкирик	81
«Кутичага»	82

Бул қандайни наво?

Кор ортидаги севгім	84
Аччик кор оғушида	85
Кундуз	86
“Ҳамон ухляяпман”	87
Озодлик сийрати	88
“Оқшом”	90
Мангалик	90
“Йүл олис”	90
“Тунда кимдир қичкирди”	91
“Күшлар каби мендә канот бўлса”	92
“Замона шу қадар гўзал”	92

Ҳайвонот боғида

Маймун	96
Бўри	96
Айик	97
Йўлбарс	97
Арслон	98
Товус	98
Жиблажибон	98
Булбул	98

Эски дафтардан

Нозим Ҳикмат	100
Шухрат хотирасига	101

"Рухимдай коронғу тун"	102
"Кел"	102
"Коракүзим, сени севиб қолдимми?"	103
"Кайғы"дан	104
Рухият манзаралари	104
"Софинч ташбихлари"дан	105
"Юрагимнинг товуши"дан	106
Оқтой ҳақида баллада	107
Болалик товуши	108
Күшчанинг саслари	109
"Аччик армонларни қолдириб ортда"	113
Тилак	114
"Хаяжон сувратлари"дан	114
 Мутаржим дафтаридан	
<i>Кадимги Хитой шеърияти</i>	116
<i>Лю Чжен.</i>	
"Карагай тебранар"	117
<i>Се Аи.</i>	
"Кадимги донолар"	118
"Фаровон кунларга"	119
<i>Гу Кайчжи.</i>	
Йилнинг тўрт фасли	119
<i>Се Лингюн.</i>	
Умрнинг уфқи	120
<i>Бао Чжао.</i>	
Қаландар Сюга жавобим	120
"Кўлда сув ўтлари"	121
"Хон мулкида ажойиб"	122
<i>Лу Кай.</i>	
Е Фанга тухфа этилган шеър	123
<i>Шэн Юэ.</i>	
Балиқ ови	123
Кўшни қизни ўйлайман, аммо у келмайди	124
<i>Кун Чжигүй.</i>	
Хаёт	124
<i>Се Тяо.</i>	
Шахзода саёхати	125
<i>Хэ Сюн.</i>	
Борда	125
Бахор шамолини куйлайман	
<i>Вэн Ину.</i>	
"Сомон йўли"	126
"Сокин ҳайкирик" жаранги	127

ТУРСУН АЛИ

(Үрмөнов)

СОКИН ҲАЙҚИРИҚ

Шеърлар, таржималар

Тошкент
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
2005

Мухаррир: *Б.Эшпұлатов*
Мусаввир: *Ю.Габзалиев*
Бадий мухаррир: *Г.Шоабдуррағимова*
Техник мухаррир: *Л.Хижова*
Сахифаловчи: *Т.Огай*
Мусаххих: *Ю.Бизоатова*

Теришга берилди 10.10.2004. Босишига рухсат этилди 12.01.2005.
Бичими 84x108^{1/32}. “Петербург” гарнитураси. Офсет босма. Шартлы
босма табоги 7,56. Нашриёт хисоб табоги 7,54. Адади 2000 нұсха.
Буюртма № 948. Бағоси келишилтган асосда.

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонааси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон күчаси, 41.**

1800-

A-49

Али, Турсун

Сокин ҳайқирик: Шеърлар, таржималар. — Т.:
«Шарқ», 2005. — 144 б.

ББК. 84(5У)6